O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Ушбу сонда:
2 ЕЧИМ ТОПГАН МУАММО
МАСЪУЛИЯТ ТАҚОЗОСИ
3 ШОШИЛИНЧ ҚАРОР
4 "ҚАРС" ИККИ ҚЎЛДАН ЧИҚАДИ...

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

№ 46 (402)
2004 йил
30 ноябр
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

MEZON:

Депутатликка номзод беш нафарга қадар ишончли вакилга эга бўлиши мумкин. Ишончли вакиллар номзод депутат этиб сайланиши учун ташвиқот юритадилар, давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг органлари, сайловчилар билан ўзаро муносабатларда, шунингдек, сайлов комиссияларида номзоднинг манфаатларини ҳимоя қиладилар.

Депутатликка номзод рўйхатга олинганидан кейин ўз ишончли вакилларини ўзи белгилайди ва бу ҳақда сайлов комиссиясига маълум қилади. Сайлов комиссияси ишончли вакилларни рўйхатга олади ва уларга гувоҳнома беради.

Депутатликка номзод округ сайлов комиссиясига маълум қилган ҳолда сайловга қадар ўз ишончли вакилини истаган вақтда ваколатидан маҳрум қилиши ва уни бошқаси билан алмаштириши мумкин. Ишончли вакил истаган вақтда ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилишга ҳақли.

Ишончли вакил сайлов комиссиясига аъзо бўлиши мумкин эмас.

"ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВ ТЎҒРИСИ"ГИ ҚОНУН, 28-МОДДА

ҲАЁТ ЭЗГУЛИК БИЛАН ЖОЗИБАЛИ

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Буни биргина "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят процессуал кодекслари ҳамда «Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"-ги қонун амалга киритилгандан сўнг Тошкент шаҳри ва туман судларида кўриб чиқилган 3494 та жиноят иши ҳаракатдан тугатилгани, 3659 нафар шахс ярашгани муносабати билан жиноий жавобгарликдан тўлиқ озод этилганида ҳам яққол кўриш мумкин.

Бу эса жиноятчиликка қарши курашиш ва жиноятларнинг олдини олиш, жиноят содир этганларга нисбатан оғир жазолар тайинлаш сиёсатини кескин юмшатиш, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган иқтисодий ва бошқа муқобил жазоларни кенг қўллаш орқали кутилган самарага эришиш мумкинлигининг амалдаги исботидир.

Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Жиноят кодексига киритилган янги 66[1]-модда — **"Ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш"** ҳамда Жиноят процессуал кодексига киритилган янги боб — **"Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш"** тўғрисидаги институт азалий миллий қадриятларимиз ҳисобланган кечиримлилик, ўзаро мурроса ва тотув яшаш каби инсоний фазилатларимиз асосида қабул қилинган ҳуқуқий меъёр ҳисобланади. Чунки, аждодларимиз кечиримлилик ва бағрикенгликни ҳамиша қадрлаган. Гина, хусумат ва адоватни қаттиқ қораланган. Миллий маънавиятимиздаги энг ноёб хусусият бу — ҳаётнинг барча мушкулотларини кечиримлилик ва ярашув йўли билан ҳал қилишдир. Агар шахс биринчи маротаба жиноят содир этган ва ўз айбига иқрор бўлиб, етказилган зарарни тўлиқ қопласа, чин кўнгилдан жабрланувчидан кечирим сўраса, жабрланувчи унинг қилмишини кечириб, ярашиш истагини билдирса, Жиноят кодексининг янги — 66[1]-моддасига асосан айбланувчи шахс жиноий жавобгарликдан озод этилади. Мисол учун айтадиган бўлсак, яқинда судда Жиноят кодексининг 109-моддаси 2-қисмида назарда тутилган қасддан баданга енгил шикаст етказиш жиноятини содир этган, Шайхонтоҳур туманига қарашли 18-таксисаройда маршрут-такси ҳайдовчиси бўлиб ишлаётган Асатилла Каримовга нисбатан қўзғатилган жиноят иши кўриб чиқилди. У кўчада фуқаро Б.Мавлонов билан ўзаро жанжаллашиб, унга тан жароҳати етказади. Б.Мавлонов касалхонада даволаниб чиқади. А.Каримов жабрланувчининг даволанишига кетган 150.000 сўмлик сарф-харажатларини қоплагани, биринчи маротаба жиноят содир этгани, ўз айбига иқрорлиги ва қилмишидан қаттиқ пушаймонлигини эътиборга олиб, суд Жиноят кодексининг 66[1]-моддасига асосан **ярашгани** муносабати билан уни жиноий жавобгарликдан озод этди.

Бошқа бир мисол. Фуқаро Даврон Исчанов таниши А.Абдужабборов билан жанжаллашиб, худди шундай жиноят содир этган. Улар ҳам **ярашгани** сабабли суд Д.Исчановга жиноий жавобгарлик бегиламади.

Акмал Икромов туманида истиқомат қилувчи Рихсивой Ризаев вояга етмаган, 1990 йилда туғилган фарзанди Дилафрўзга 2 йилу 5 ойлик, яъни 243 минг 65 сўмлик нафақасини тўламаган. Шу боис унга нисбатан жиноят иши қўзғатилган. Суд Р.Ризаевга мазкур жинояти учун қонунда белгиланган тартибда энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баробаригача миқдорда жарима ёки 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд 6 ойгача қамоқ жазоси тайинлаши мумкин эди.

(Давоми учинчи бетда)

ЎТГАН ҲАФТАНИНГ МУҲИМ ХАБАРЛАРИ

26 ноябр куни халқ депутатлари Сирдарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россиянинг "Лукойл" нефт компанияси очиқ акционерлик жамияти президенти Вагит Алекперовни қабул қилди.

* * *

Самарқандда "Фуқароларнинг Конституциявий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш бўйича судлар фаолиятини такомиллаштириш: амалиёт, муаммо ва истиқбол" мавзуида халқаро анжуман бўлиб ўтди.

* * *

Европа Иттифоқига аъзо давлатлар Мудофаа вазирлари дунёнинг исталган нуқтасида қисқа муддатда фаол ҳаракат қила оладиган ҳарбий тузилма ташкил этиш борасида умумий бир келишувга эришдилар.

* * *

БМТ Бош котиби Кофи Аннан жаҳон ҳамжамиятини Ироқда бўлиб ўтадиган сайлов жараёнини қўллаб-қувватлашга чақирди.

* * *

Хитойнинг шимолий-ғарбий ҳудудида — Шанхайдан 530 километр нарида CRJ-200 йўловчи самалётининг ҳавода ёниб кетиши натижасида 47 йўловчи ва 6 нафар экипаж аъзолари ҳаётдан кўз юмди.

* * *

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12 йиллигига бағишланган умумреспублика спорт марафони ўтказилди.

* * *

Жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов Испаниянинг Бенидорм шаҳрида тезкор шахмат бўйича ўтказилган халқаро турнирда ажойиб ғалабага эришди.

Munosabat

ЭНДИ ИШИМИЗ ЎНГЛАНАДИ

Куни кеча бўлиб ўтган халқ депутатлари Сирдарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Юртбошимиз Ислом Каримов вилоятимизнинг бугун ва эртанги куни билан боғлиқ ҳаётий муаммоларни теран таҳлил этиб берди. Ҳақиқатдан ҳам, кейинги йилларда вилоятда кўпгина муаммолар йиғилиб қолган эди.

Ахир, биргина мева-сабзавотчилик, боғдорчилик, чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш вилоятда 12-15 фоиздан ошмаяпти. Бошқа соҳаларда ҳам оқсаш сезилмоқда. Хўш, нега шундай бўлаяпти? Нима сирдаёликларда ғайрат, ориятчўнқ кураш ҳисси сўнганми?

Президентимиз Ислом Каримов вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида юқоридаги саволларни атрофлича таҳлил этиб берди. Юртбошимиз Сирдарё шаҳни-шуҳратини тиклаш учун кишилар бир тан, бир жон бўлиб бирлашиб, ҳаракат қилишлари зарурлигини қайта-қайта уқтирдилар.

Биргина мисолни айтиб ўтайлик. Боёвут туманидаги 1 "Боёвут" ширкат хўжалиги айни пахта терими олдидан барча хонадонларга ёзма мурожаат қилди. Унда айтилишича, хўжаликда 4800 хонадон мавжуд бўлиб, агар ҳар бир оила кунига 50 килограммдан пахта териб берса, 26 иш кунида ширкат режаси бажарилар экан. Бу оғир юк эмас, керак бўлса, ҳар бир оила кунига 120-150 килограммга етказиб пахта териши мумкин. Худди шундай бўлди. Нари-бериси билан 30 кунда режа бажарилиб, давлат омборига салкам 10 минг тонна хомашё топширилди. Энг қизиғи, бундай мурожаат ширкатда бу йил биринчи марта қабул қилинаётгани йўқ эди. Эрта баҳорда чигит ерга тушгач, об-ҳавонинг инжиқлиги туфайли, шароит оғирлашди. Ниҳолларни яхши парвариш қилиш учун кўпроқ ишчи кучи зарур эди. Ширкат хўжалиги маъмурияти шу жойда яшовчи кишиларга очиқ хат билан мурожаат қилди. Бу билан айтмоқчиманки, одамларнинг кўнглига йўл топиб, иш тўғри ташкил этилса, ҳеч қандай муаммога ўрин қолмайди. Мен 72 ёшдаман. Боёвутдаги "Тараққиёт" жамоа хўжалигида яшайман. Бутун умрим пахтачилик билан ўтган. Айни пайтда ўғлим Шоимқул 29 гектар ер олиб фермер хўжалигини юритаяпти. Яна бир ўғлим Жониқул хўжаликда иш юритувчилик қилаяпти. Бу йили 35 тонна буғдой, 45 тонна пахта топшириб режани ошириб бажаришди. Хўжаликда яна тўрт ўғлим, тўрт нафар келиним ёз бўйи меҳнат қилишди. Меҳнатимизга яраша ишимиз баракали бўлди. Бу йил даромадимиздан трактор сотиб оламиз.

Афсуски, бундай юрагида ғайрати жўш урганлар, ўз ишига ориятбилан қараганлар вилоятда кераги оз бўлиб қолди. Мана ғаллачиликни олинг, вилоятда кўпгина фермер хўжалиги ғалла тайёрлаш бўйича тузилган шартномани бажармаган. Сирдарё, Сайхунобод туманларидаги бир қатор фермер хўжаликлари 20-30 гектарлаб ерга режадаги чигит ўрнига кунгабоқар экишган. Бошқа бир қатор туманларда хўжаликлар чигит ўрнига шоли экишган. Яна чигит экиб, ундан қарзига яраша ҳосил ололмаган қанчалаб фермер хўжаликлари бор.

Бундай ҳолатларни вилоят мутасаддилари кўриб-билиб туришган. Афсуски, масъулиятсизлик, ўзибўларчилик туфайли бу ишларга панжа орасидан қарашган.

Президентимизнинг навбатдан ташқари сессиясида қуйиниб айтган фикрлари энди сирдарёликман, деган кишининг ёдидан чиқмаса керак. Ишончимиз комилки, ишимизда ўнгланиш бўлади.

Суярқул бобо САНГИРОВ,
Боёвут тумани

Huquqiy ma`rifat

МЕРОС ҲУҚУҚИ

унинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

Мамлакатимизнинг асосий қомуси бўлган Конституциянинг 36-моддасида ҳар бир шахснинг мулкдор бўлишига ҳақли экани ҳамда банкка қўйилган омонатлар сир тутилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланиши қайд этилган.

Шу ўринда мерос ҳуқуқи ҳақида сўз юритишни лозим топдик.

Аввало шуни айтиш керакки, Фуқаролик кодексининг 1113-моддасига биноан мерос очилган пайтда мерос қолдирувчига тегишли бўлган, унинг ўлимидан кейин ҳам бекор бўлмайдиган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар мерос таркибига киради.

Мерос қолдирувчига тегишли бўлган хусусий мулк ҳуқуқи (ФКнинг 207 ва 211-моддалари), кредит муассасаларида сақланаётган омонатларга бўлган ҳуқуқ, шунингдек, мулк билан боғлиқ бўлган айрим номулкий ҳуқуқлар ва мажбуриятлар ҳам мерос қолдирувчининг мерос мулки таркибига киради.

Мерос таркибида хусусий мулк ҳуқуқига асосланган фуқароларга тегишли корхоналар (ФКнинг 1152-моддаси) ҳам бўлиши мумкин. Шунингдек, мерос ҳуқуқи бўйича ворисларга ўтиши мумкин бўлган мулкий ва айрим номулкий ҳуқуқлар жумласига мажбуриятлардан келиб чиқадиган талаб қилиш ҳуқуқи (ФКнинг 234-моддаси), интеллектуал мулк объектлари бўлган шахсий номулкий ва мулкий ҳуқуқлар (ФКнинг 1033-моддаси), кашфиётчилик, ихтирочилик ва муаллифликдан келиб чиқадиган мулкий ҳуқуқлар ҳам киради.

Қонунчиликда деҳқон хўжалиги юритиш учун айрим шахсларга умрбод фойдаланиш ва мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан берилган ер участкалари ҳам мерос таркибига кириши қайд этилган.

Умумий биргаликдаги мулкнинг эгалари ҳар бири ўзининг улушини васият қилиш ҳуқуқига эга (216-моддаси). Демак, мерос қолдирувчининг умумий мулкдаги ҳиссаси мерос таркибига киради.

Мерос қолдирувчининг шахси билан боғлиқ бўлган қуйидаги мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлар мерос ҳуқуқи бўйича мерос мулк таркибига кирмайди:

1) юридик шахс ҳисобланган ҳар қандай кооператив, жамоат ва тижорат ташкилотларига аъзолик, улар фаолиятида иштирок этиш, ушбу ташкилотларда мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи улар аъзо бўлиб туриш ҳуқуқидан келиб чиқиши туфайли бу ҳуқуқни на қонун ва на васият бўйича мерос сифатида олиб бўлмайди.

Мерос мулк таркибига фақат пай бадалига бўлган ҳуқуқ кириши мумкин.

(Давоми учинчи бетда)

Taassuf

ЎЗИБЎЛАРЧИЛИК

Халқ депутатлари Сирдарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияда Президентимиз Ислом Каримов вилоятдаги вазиятга батафсил тўхталди. Хусусан, аграр соҳада йўл қўйилган хато ва камчиликлар кескин танқид қилинди. Қуйидаги мисоллар ҳам вилоятда қишлоқ хўжалиги соҳасида кўплаб муаммолар йиғилиб қолганини кўрсатади.

Деҳқончиликнинг ўзига хос жиҳати шуки, ҳосил пишиб етилгач, у далада кутиб турмайди. Пахта хомашёси кун санаб вазни ва сифатини йўқотса, ғалла ҳар соатда тўкилиб нобуд бўлади. Буни Сирдарё вилоятидаги деҳқонларнинг ҳамкорлари, шериклари ва воситачилари яхши билишади. Бироқ билиш бошқа, унга амал қилиш бошқа экан.

Оқ-олтин туманидаги "Дилшод" фермер хўжалиги бу йил 40 гектарда ғалла етиштирди. Ҳосил мўлжалга яраша бўлди. Ғаллани эса техника билан тезкор йиғиб олиш керак. Шу боис фермер хўжалиги ҳали шартнома тузилмасдан туриб, тумандаги "МТП" акциядорлик жамиятига бўнак пули тўлашни феврал ойидаёқ бошлаб юборди. 11 февралда "МТП" ҳисобига 134,4 минг сўм, 18 мартда 67,2 минг сўм, 8 апрелда 156 минг сўм, 14 апрелда 124393 сўм, кейинчалик 3207 сўм пул ўтказди. Ниҳоят, 17 апрелда "Дилшод" фермер хўжалиги ва акциядорлик жамияти ўртасида **"Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчиларга хизмат кўрсатиш ва механизация ёрдамида ишлар бажариш юзасидан"** 3020-шартнома тузилди. Шу тариқа "МТП" ҳисобига 558,2 минг сўм пул ўтказилди. Ўртадаги шартномага кўра, "МТП" фермер хўжалигининг 30 гектар (40 эмас) ердаги ғалласини 10-15 июнгача ўриб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олди. Бироқ фермер хўжалиги раҳбари 4 июн куни 12-талабнома билан мурожаат этганда, "МТП" мутасаддилари уни қабул қилишмай, вакилга мурожаат этишни маслаҳат беришди. Ҳолбуки, бунга уларнинг ҳаққи йўқ эди. Нега деганда, фермер хизмат учун аллақачон пул тўлаб қўйган эди. Шунинг учун техника ўримга шай туриши шарт эди. Фермер бошқа жойга мурожаат этишнинг иложи йўқлиги учун ҳам 20 июн куни 17-талабнома билан яна "МТП"га келди. Ниҳоят, талабнома 21 июн куни қайд этилиб, ғалланинг атиги 7,7 гектари комбайн билан ўриб берилди. Қолгани-чи, дерсиз? Ахир, ўртада контрактация шартномаси бор эдику? Бунинг устига фермер фақат "МТП" билан эмас, "Донмаҳсулот" билан ҳам шартнома тузиб қўйган. Уни бажармаслик эса жиноят ҳисобланади.

Охир-оқибат фермер қўшни Сирдарё туманидан ҳашарга комбайнларни жалб этишга мажбур бўлди. Бироқ комбайнчилар 12,3 гектар ердаги ғаллани ўриб беришди, холос. 20 гектардаги ғаллазорни ёввойи ўт босиб кетмоқда эди. 23 июн куни "Сардоба" ҳудудидаги "МТП" билан қолган 20 гектардаги ғалла ўрилди. Сирдарё туманидан келган комбайнчилар яна 5 гектардаги ўрилган ғаллани янчиб беришди. Қолганини "комбайн ўт орасидан янчиб ололмайди", деган важ билан ташлаб кетишди. Шундай қилиб, 15 гектар майдондаги ғалла тўкилиб нобуд бўлди...

"Дилшод" фермер хўжалиги бошлиғи шундан сўнг Сирдарё вилояти адлия бошқармасига мурожаат этиб, ўз даласидан 49,5 тонна ғалла олиши мумкинлигини, унинг ҳар тоннаси 82,5 минг сўмдан 4088 минг сўмни ташкил этиши, шу 15 гектарга 4486,7 минг сўмлик харажат кетганини, жавобгар томондан 8574,7 минг сўм ундириб олишда ёрдам беришни сўради.

(Давоми иккинчи бетда)

Dakki

ҚАРЗ ТЎЛАНДИ, АММО...

Раҳбарлар орасида ҳам, оддий фуқаролар орасида ҳам баъзан ажабтовур табиатли шахслар учраб туради. Масалан, қандайдир ножўя ишга йўл қўйган кишининг бу иш тафсилотидан уялиш, уни имкон қадар барҳам топтириш ўрнига иккинчи номаъқулчиликни содир этиши мутлақо қолипга сиғмайдиган ҳолдир.

Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судида Республика Адлия вазирлигининг "Уста" масъулияти чекланган жамияти манфаатини ҳимоя қилиш юзасидан киритган даъво аризаси кўриб чиқилди. Даъво аризасида кўрсатилишича, 2003 йилнинг 10 июлида "Уста" масъулияти чекланган жамияти ва "Боғёп" деҳқон-фермер хўжаликлари бирлашмалари ўртасида буғдой дон таъминоти бўйича контрактация шартномаси тузилган. Унга биноан, "Уста" жамияти деҳқон-фермер хўжаликлари бирлашмасига 170 тонна, яъни умумий қиймати 9.355.240 сўм бўлган дон маҳсулоти етказиб берган ва шартнома шартларини тўлиқ бажарган.

Лекин "Боғёп" хўжалиги икки томонлама имзоланган шартнома мажбуриятларига панжа орасидан қараган. Шу тариқа деҳқон-фермер хўжаликлари бирлашмаси томонидан **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"**-ги қонун талаблари қўпол тарзда бузилган.

Яқинда ушбу масала одилона ечим топди. Суд қарори билан "Боғёп" деҳқон-фермер хўжаликлари бирлашмаси ҳисобидан "Уста" масъулияти чекланган жамияти фойдасига 3.355.250 сўмлик асосий қарз, 4.677.620 сўмлик устама ундириладигин бўлди. Шунингдек, бирлашма зиммасига 140.328 сўм миқдоридаги давлат божи ва бошқа харажатлар тўлови ҳам юклатилди.

(Давоми иккинчи бетда)

Qonun ko`magi

МАСЪУЛИЯТ ТАҚОЗОСИ

қонунларни пухта ўзлаштиришдан иборат

Ҳар бир ходим меҳнат фаолиятини қачондир биринчи иш кунидан бошлайди. Кейинчалик у бир умр хотирасида муҳрланиб қолади. Янгийўл шаҳрида яшовчи Ольга ҳам шу йилнинг 7 июл кунини ҳеч қачон унутмайди. Чунки у шу куни илк марта мустақил меҳнат фаолиятини бошлади.

Шу боис у қувонч ва ички ҳаяжон билан биринчи мижозга хизмат кўрсатди. Шундан кейин рўй берган воқеалар эса уни янада эсанкиратиб қўйди.

Бу воқеа "Бадар" шахсий фирмаси директори Жевире Шукурованинг Тошкент вилояти адлия бошқармаси бошлиғи номига 2004 йил 19 июлда йўллаган шикоят аризасида изоҳланган:

"Жорий йилнинг 7 июл куни 17 ёшли Ольга Лимни 2 ҳафта синов муддат билан сартарошхонага ишга қабул қилдим. Шу куни Янгийўл шаҳар Давлат солиқ инспекцияси ходимлари Х.Зокирова ва Ш.Шукуров томонидан сартарошхонада қисқа муддатли назорат текшируви ўтказилган. Текширувчилар томонидан тузилган далолатномада сартарош Ольга Лим мижоздан минг сўм пул олиб, патта ёзиб бермаганликда айбдор деб топилган. Натижада фирмага нисбатан энг кам иш ҳақининг 100 баробари миқдорида, яъни 544000 сўм молиявий жарима қўллаш ҳақида қарор қабул қилинди. Биз текширишни нотўғри ва жаримани ноқонуний қўлланилган деб ҳисоблаймиз. Шу боис бузилган ҳақ-ҳуқуқимизни тиклашга амалий ёрдам беришингизни сўраймиз..."

Мазкур шикоят юзасидан суриштирув ишларини олиб борган адлия бошқармаси ходимлари Янгийўл шаҳар Давлат солиқ инспекцияси бўлими томонидан тадбиркорлик субъектини текшириш вақтида қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилган, деган хулосага келишди.

Нега деганда, мижоз И.Қодиров сочини бошқа сартарошхонада олдириб келгани учун сартарош О.Лимга унинг кам-кўстларинни тўғрилатиш учунгина кирган. Кейин уста ишини тугатар-тугатмас, нархини ҳам сўрамай, столга 1000 сўм пул ташлаб, яна беш юз сўм олиб келиб бераман, деб чиқиб кетган. Сартарош пулни қўлига олиб улгурмай мижоз солиқчилар ҳамроҳлигида сартарошхонага қайтиб кирган...

Мантиқан қараганда, бундай хизмат учун ҳеч қаерда мижозлар қиммат нархда пул тўлашмайди. Қўшимча 500 сўм ҳақида-ку гапирмаса ҳам бўлади. Эҳтимол, шунинг учун бўлса керак, И.Қодиров далолатномага имзо қўймаган. Шунингдек, ДСИ ходимлари томонидан тузилган далолатномада Лим Ольга негадир холис сифатида кўрсатилган.

Далолатнома тузишда Ольга Лимнинг муомала лаёқати, яъни ўз ҳаракатлари билан фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиш, уларни амалга ошириш, ўзи учун фуқаролик бурчини вужудга келтириш ва уларни бажариш лаёқатига эга бўлмаганига мутлақо эътибор берилмаган.

Фуқаролик кодексининг 22-моддасига биноан бундай ҳуқуқлар фуқаро вояга етгач, яъни 18 ёшга тўлгач, тўлиқ ҳажмда вужудга келади.

Бундан ташқари, далолатнома тузиш ва Ольга Лимдан олинган тушунтириш хатлари унинг ота-онаси иштирокида расмийлаштирилмаган. Чунки Фуқаролик кодексининг 27-моддасига кўра, вояга етмаганлар билан тузилган битимлар ота-онасининг ёзма розилиги бўлгандагина ҳақиқий ҳисобланади.

Энг муҳими, муомала лаёқатини чеклаш тартибларига риоя этмаслик давлат идораларининг тегишли ҳужжатларини ҳақиқий эмаслигига сабаб бўлади.

Юқоридаги ҳолатлар эса вояга етмаган, ҳаётида биринчи марта, биринчи кун ишга чиққан Ольга Лимни нақд пул тушумини қасддан яширган, деган хулосани мутлақо асоссиз эканини яққол кўрсатади.

Тошкент вилояти адлия бошқармаси "Бадар" шахсий корхонаси манфаатларини кўзлаб, Тошкент вилояти хўжалик судига 2004 йил 28 сентябрда даъво аризаси киритди.

Тошкент вилояти хўжалик суди ушбу масалани шу йил 30 сентябрда суд мажлисида кўриб чиқиб, даъвони қаноатлантириш тўғрисида қарор қабул қилди. Унга асосан Янгийўл шаҳар ДСИ томонидан "Бадар" хусусий фирмасига нисбатан 544000 сўм молиявий жарима қўллаш ҳақидаги 2004 йил 8 июлдаги қарори ҳақиқий эмас деб топилди.

Халқимизнинг "Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб зикр қил", деган ажойиб нақл бор. Балки кимгадир бўлиб ўтган бу воқеалар бироз жўнроқ кўринниши ҳам мумкин. Лекин демократик тамойиллар асосида ривожланаётган мамлакатимизда инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун.

Хулоса ўрнида эса ваколатли идоралар ходимлари қонун-қоидаларни чуқур ўзлаштириб олишлари, хатога йўл қўймасликлари лозимлигини яна бир марта эслатиб ўтмоқчимиз. Зеро, бурч ва масъулият ана шуни тақозо этади.

Рустам ХУДОЙҚУЛ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Gazetxon xat yo`llabdi

«АГАР АЛИМЕНТ ТЎЛАМАСА...»

Ҳурматли таҳририят ходимлари!

Бундан бир йил муқаддам турмуш ўртоғим билан қонуний ажрашдик. Ўртада 2 нафар вояга етмаган фарзандимиз бор. Улар мен билан қолди. Суд ҳукмига биноан фарзандларимга отаси алимент тўлаши керак эди. Лекин мана бир йилдан ошдики, у бирор марта ҳам алимент жўнатгани йўқ. Суднинг қарорини ижро этмайдиган кишиларга ҳам жазо борми?

Г.РАСУЛОВА,
Навоий вилояти

— Бу саволга жавобан шуни айтиш керакки, "Оила" кодексига мувофиқ эр-хотин ўртасидаги никоҳ бузилгандан сўнг алиментни ким томонидан тўланиши суд томонидан ҳал қилинади.

Ушбу суд қарорига асосан алимент тўламай юрган шахсларга нисбатан жавобгарлик белгиланган. Хусусан, Жиноят кодексининг 122-моддасига мувофиқ, **моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб уч ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаган бўлса,** жиноий жавобгарликка тортилади.

«МАЪНАВИЙ ЗАРАР НИМА?»

Ҳаётимда рўй берган бир нохуш воқеа туфайли анча ташвиш тортдим. Худога шукрки, ҳаммаси яхшилик билан тугади. Лекин воқеа ижобий ечимини топгунга қадар соғлиғимни йўқотдим. Эшитишимча, бундай ҳолатларда маънавий зарарни ундириб беришни сўраб судга мурожжат қилиш мумкин экан. Саволим қуйидагича: маънавий зарар, деганда нима тушунилади ва қандай ҳолатларда уни ундириш учун судга даъво аризаси киритилади?

М.ЖАББОРОВА,
Қарши шаҳри

— Республика Олий суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги **"Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"**ги қарорининг 2-қисмига кўра маънавий зарар ўз ичига жабрланувчига қарши содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳаракати (ҳаракатсизлиги) оқибатида бошидан кечирган (ўтказган) маънавий ва жисмоний азобларни олиб, бунда ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик)нинг объектларидан бири бўлиб, фуқарога тутилган вақтидан буён ва қонунга мувофиқ тегишли бўлган номоддий манфаатлари, яъни бу шахснинг қадр-қиммати, обрў-эътибори, шахсий ва оилавий ҳаёти ҳамда дахлсизлиги бузилган деб ҳисобланади. Бундай ҳолат Фуқаролик кодексининг 1021-моддасида ҳам ўз ифодасини топган.

Демак, сиз ҳақиқатан ҳам, нохуш воқеа туфайли соғлигингизга жиддий зарар етган деб ҳисобласангиз, судга мурожаат қилинг. Суд бу масала юзасидан қонуний ажримини билдиради.

Саволларга Саломат НИЁЗОВА ва Шерзод АБДУҚОДИРОВ жавоб беришди.

"УЙИМНИ ҚАЙ ТАРТИБДА СОТАМАН?"

1. Мен 1964 йилда уйланганман. 1970 йилда ер майдони олиб, рафиқам иккаламиз 8 хонали уй қурдик. Мен 1999 йилда уйни сотмоқчи бўлганимда рафиқам "Уйни қуришда менинг ҳам кўп меҳнатим синган. Бу уй болаларим учун қурилган", — деб сотишга рухсат бермади. Нотариус ҳам рафиқамнинг розилигисиз олди-сотди шартномасини тасдиқламади. Ҳолбуки, уй менинг номимга расмийлаштирилган. Ўтган йилнинг ёзида рафиқам вафот этди. Вафотидан олдин у уйдаги ўзининг улушини тўнғич қизим Фаридага васият қилиб кетибди. Мен шу уйни қизим Фариданинг рухсатисиз сота оламанми?

2. Шу уйда вояга етган ўғлим Дилшод ҳам доимий рўйхатда туради. Мен уйни сотишим учун ўғлимдан ҳам ёзма рухсат олишим керакми?

3. Уйда бошқа шаҳардан кўчиб келган рафиқамнинг дугонаси Гулмира исмли аёл ҳам фарзандлари билан бирга рўйхатда туришади. Лекин ўзлари бошқа уйда яшашади. Энди уйни сотиш учун ўша аёлнинг ҳам рухсатини олишим керакми?

Б. АҲАТОВ,
Пискент шаҳри

Оила кодексига биноан эр-хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулки, шунингдек, никоҳ қайд этилгунга қадар умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулк уларнинг умумий мулки ҳисобланади ва улашлари тенг бўлинади. Умумий мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишда улар тенг ҳуқуқларга эга.

Агар турмуш ўртоғингиз вафот этгунга қадар уйнинг ўзига тегишли қисмига мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома олмаган бўлса, унда сиз уйнинг эгаси сифатида уни тўлиқ тасарруф этишингиз мумкин.

Лекин қизингиз суд орқали уй-жойни турмуш ўртоғингизга тегишли қисмига эгалик ҳуқуқини белгилатиши васиятномага асосан меросга бўлган ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома олиб, ушбу қисмга эгалик қилиши мумкин. Бундай вазиятда уйнинг фақат ўзингизга тегишли бўлган қисмини тасарруф этишга ҳақлисиз. Бу уй-жой улушли мулк бўлганлиги сабабли қизингиз уни имтиёзли шарт билан сотиб олиш ҳуқуқига эга. Агар у бу ҳуқуқдан воз кечса, сиз ўз улушингизни ҳар қандай шахсга сотишингиз мумкин.

Бундан ташқари, мабодо сиз ҳозирги вақтда меҳнатга қобилиятсиз (60 ёшда) бўлсангиз, унда васиятнома мазмунидан қатъи назар, қонун бўйича ҳар бир ворисга тегиши лозим бўлган улушнинг камида ярмини (мажбурий улуш) мерос қилиб олиш ҳуқуқига эга бўласиз.

Агар уйингиз хусусийлаштирилган бўлса, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 23 октябрдаги 474-сон қарорига бундай уйларни бошқаларга бериш ҳақидаги шартномаларни расмийлаштиришда оиланинг барча вояга етган аъзолари, шунингдек, уйни хусусийлаштиришга розилик берган шахсларнинг нотариал тартибда тасдиқланган розилиги талаб қилинади.

Башарти, уй хусусийлаштирилмаган бўлса, уни тасарруф этишга уйда рўйхатда турган шахсларнинг рухсати талаб қилинмайди. Бироқ Фуқаролик кодексининг 488-моддасига асосан сотувчи сотиб олгач, қонунга мувофиқ уй-жой биносидан фойдаланиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қоладиган шахслар яшаб турган уйни сотиш шартномасида, бу шахсларнинг рўйхатини сотилаётган уй-жой биносидан фойдаланиш ҳуқуқлари кўрсатилган ҳолда тузилиши шарт.

Саволга юридик фанлари номзоди Дилбаҳор ЁҚУБОВА жавоб берди.

"СУД ҚАРОРИ ҚАЧОН ИЖРО ЭТИЛАДИ?"

Биз Олмалиқ шаҳрида жойлашган 3-сонли автокорхона ҳиссадорлик жамиятининг акциясини сотиб олган эдик. Ўтган йилнинг 24 декабр корхона мутасаддилари қонунга зид равишда ҳиссадорлар умумий йиғилиши ўтказилди, деган ноқонуний қарор тузишган. Ушбу қарорда сайланган кузатув кенгаш аъзолари жамиятнинг 30 га яқин транспорт воситаларини арзон нархларда сотишга келишишган. Ана шу қилмишни хаспўшлаш мақсадида улар ушбу мажлисда ҳиссадорлик жамиятини масъулияти чекланган жамиятга айлантириш учун мажлис ҳам чақиришга қарор қилишади. Ушбу мажлис ҳақида олдиндан матбуотда эълон берилмасдан ва барча акциядорлар хабардор қилинмасдан «25 декабр куни бўлиб ўтди" дея эртаси куни баённома тузилади. Корхона раҳбарларининг бундай ноқонуний хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб, фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти судига мурожаат қилдик. Судда даъво аризамиз тўлиқ қаноатлантирилиб, 24 декабр 2003 йилда ўтказилган автокорхона ҳиссадорлик жамиятининг умумий мажлис қарори бекор қилинди.

Шундан сўнг биз ноқонуний қарорларга асосан чиқарилган буйруқларини бекор қилишни сўраб, Олмалиқ шаҳар ҳокимлиги ҳамда Республика Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг Тошкент вилояти бошқармасига мурожаат этдик.

Суд қарорининг ижро этилмаётгани, акциядорларнинг бузилган ҳуқуқи тикланмаётганини мутасадди идоралар қандай изоҳлашар экан?

Бир гуруҳ акциядорлар номидан Хусниддин ХАЛИЛОВ

Taassuf

ЎЗИБЎЛАРЧИЛИК

(Давоми. Боши биринчи бетда)

"МТП" акциядорлик жамияти раиси Қ.Сулаймонов даъвони рад этиб, фермернинг ғалласини тўлиқ ўриш учун туманда техника етишмагани туфайли вилоят машина-трактор парклари бирлашмасидан жалб этилган қўшимча кучлар билан ғаллазор ўриб берилган, деб туриб олди. Энг қизиқ томони шундаки, "МТП" акциядорлик жамияти ҳуқуқшуноси Б.Алимов шартноманинг 3.4-бандига кўра, хизмат учун фермер аввалдан 15 фоиз миқдордаги ҳақни тўлаши лозим эди, бироқ ўрим бошланган пайтда фермер ҳали 73331 сўм қарз бўлган, деган даъвони баён этди. Ҳолбуки, "МТП" кейинги пулни қўя турайлик, аввалгисига яраша хизматни ҳам амалда кўрсатмаган.

Хуллас, Қ.Сулаймоновнинг жалб этилган техника билан жавобгарнинг ғалласи ўрилган эди, деган даъвоси ҳам асоссиздир. Чунки Сирдарё туман "МТП"дан берилган маълумотномага қараганда, "МТП" ва фермер ўртасида ҳеч қандай шартнома тузилмаган. Бинобарин, фермерга қонуний хизмат кўрсатилгани ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Масалани ойдинлаштириб олиш лозим эди. Шу боис жавобгарнинг илтимосига кўра ишнинг судда кўрилиши аввал 3 ноябрга қолдирилди. Охирги иш 25 ноябрда кўрилди. Бироқ жавобгар ўз хатти-ҳаракатларининг пуч эканини сезди шекилли, 25 ноябрга қолдирилган суд мажлисига ҳам келмади.

Даъвогар ўзига "МТП" акциядорлик жамияти жами 8574,7 минг сўмдан зиёдроқ зарар етказди, деб ҳисобласа-да, аслида шартнома шарти бажарилмаслиги оқибатида 15 гектар ердаги ғалла йиғиб олинмай қолган 49,5 тонна ғалланинг харид пули, яъни 4086 минг сўм жавобгардан ундирилиши лозим, деб топилди. Даъвогарнинг яна 15 гектарга қилинган харажатларни ҳам ундириш тўғрисидаги даъвоси эса рад этилди. Чунки Фуқаролик кодексининг 14-моддасида, **агар қонун ёки шартномада зарарни камроқ миқдорда тўлаш назарда тутилмаган бўлса, ҳуқуқи бузилган шахс ўзига етказилган зарарнинг тўлиқ қопланишини талаб қилиши мумкинлиги** таъкидланган.

Шунга қарамай, "МТП" акциядорлик жамиятидан ундирилган 4088 минг сўм зарар, 81760 сўм давлат божи ва 4500 сўм почта харажатлари ҳам оз маблағ эмас. Буни бир томондан раҳбарларнинг шартномага беписандлиги, деб баҳолаш мумкин. Иккинчи томондан, фермер хўжалиги кўрган зарарини қисман қопласа-да, асосий вазифа — дон омборига ҳосил етказиб бериш вазифаси бажарилмай қолди. Ахир, пул дегани дон эмас-да, уни на тегирмонга солиб бўлади, на еб бўлади. Агар шу маблағ дон бўлиб тегирмонга, сўнг истеъмолчига етиб келганида, қанча одам иш ва маҳсулот билан таъминланган бўлар эди. Фермер хўжалиги ва унинг ишчиларига қоладиган режадан ортиқ ғалланинг қанчалик фойдали экани ҳақида эса гапирмаса ҳам бўлади.

Хўш, ҳосилни йиғиб-териб олиш пайтигача ҳақнинг бир қисмини ундириб олишни мўлжаллаётган шоввозларнинг айни долзарб дамларга келиб, техника кучи етишмаслигини баҳона қилиб туришлари инсофданми? Ҳолбуки, бундай ҳолатлар ягона эмас. Ҳа, борингки, ягона бўлган тақдирда ҳам бу ҳақда жиддий гаплашиб олиш учун асос етарли эмасми?

Деҳқонга ҳосил керак. Шу ҳосил мамлакатимизга ҳам зарур. Деҳқонга ҳақиқий кўмак бериш, унинг оғирини енгил қилиш учун хизмат кўрсатиш ўрнига унинг қўйнини пуч ёнғоқ билан тўлдиришдан ҳеч ким наф кўрмайди. Буни ҳеч қачон унутмаслик лозим.

Абдулазиз ЯХШИЛИҚОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Bugunning gapi

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш жараёни давом этмоқда. Зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва истиқболсиз ширкатлар фермер хўжаликларига айлантирилмоқда.

ЕР ҚАДРЛАГАННИ ҚАДРЛАЙДИ

Натижада хўжалик юритиш механизми ҳамда уларнинг молиявий аҳволида ижобий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Бу эса фермерни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи асосий субъектга айлантирмоқда. Бунга кўплаб ютуқларни мисол келтириш мумкин

Лекин шу билан биргаликда айрим фермер хўжаликлари ижарага берилган ерлардан мақсадли фойдаланмаяпти. Уларга хизмат кўрсатадиган корхона ва ташкилотлар билан тузилаётган шартнома мажбуриятларини бажариш ора йўлда қолмоқда.

Мисол учун айтадиган бўлсак, Жондор тумани ҳокимининг 2001 йил 14 декабрдаги 880-сонли қарори билан "Ўзбекистон" ширкат хўжалиги ҳудудида "Ўзбекистон равнақи" фермер хўжалиги ташкил этилди. Унга 11,6 гектар ер ажратиб берилди. Туман ҳокимлиги ва фермер хўжалиги ўртасида ер участкасини 30 йил муддатга ижарага бериш тўғрисида шартнома имзоланди.

"Ўзбекистон равнақи" фермер хўжалиги ердан оқилона фойдаланмагани сабабли 2002 йилда пахта топшириш режаси атиги 30,2 фоизга бажарди, ҳолос. 43.7 тонна ўрнига 13.2 тонна пахта хомашёси топширилди. Ўтган йили ҳосилдорлик янада пасайди. 11,6 гектар ерда деҳқончилик қилган В.Кўзиев бошлиқ фермер хўжалиги аъзолари режани аранг 28.3 фоизга етказишди. Ўтган йили 8 ноябрда фермер хўжалиги билан тайёрловчи ташкилот — "Яккатут" масъулияти чекланган жамият ўртасида дон харид қилиш бўйича 92-сонли контрактация шартномаси имзоланди. Мазкур шартномага асосан хўжалик 10 тонна дон етказиб бериш мажбуриятини олди. Бепарволик шу даражага бориб етдики, фермер бир қарич ерга ҳам дон экмади.

«Ер» кодексининг 36-моддаси, 6-бандида ер участкасидан белгиланганидан бошқа мақсадларда фойдаланилганда ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар бекор қилиниши ўз аксини топган. Бундан ташқари, Фуқаролик кодексининг 382-моддаси, 2-қисмига кўра, тарафлардан бирининг талаби билан шартнома суд томонидан фақат иккинчи тараф шартномани жиддий равишда бузса, ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Туман ҳокими ва "Ўзбекистон равнақи" ўртасида тузилган шартноманинг 17-бандига мувофиқ ижарага олувчи ердан белгиланган мақсадда фойдаланилмаганда, жумладан, давлат эҳтиёжлари учун контрактация шартномасида назарда тутилмаган қишлоқ хўжалиги экинлари экилганда, ердан самарасиз фойдаланилганда, яъни ижарага олувчининг айби билан мунтазам равишда кадастр баҳосидан кам миқдорда ҳосил олинганда, ернинг экологик ҳолати ижарага олувчининг айби билан ёмонлашганда ер участкасини ижарага бериш шартномаси бекор қилиниши кўрсатилган.

Шуларни инобатга олиб, Жондор тумани ҳокимлиги вилоят хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, ер участкасини узоқ муддатли ижарага бериш тўғрисидаги шартномани муддатидан олдин бекор қилишни сўраган.

Суд даъвогарнинг даъво талабини асосли, деб ҳисоблади ва уни қаноатлантирди. Чунки фермер хўжалиги контрактация шартномаси бўйича маҳсулот топширмаган, иккинчидан, давлат буюртмасига оид мажбуриятларни бажармаган, учинчидан, фермер хўжаликлари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари талабларини, шу жумладан, ер ижарачи шартномасини қўпол равишда бузган.

В.Қўзиев сингари фермер хўжаликлари раҳбарлари ернинг қадрига етмай, унинг умрини бекор ўтказмоқда. Тадбиркорлик, изланувчанлик, тиниб-тинчимаслик хислатлари, билими, маҳорати бўлмаган киши фермерлик қила олмаслигини ислоҳотлар жараёни яққол кўрсатиб турибди.

Ернинг ҳар бир қаричини қадрлаган, келажак авлод манфаатини кўзлаб ундан илмий асосланган тарзда оқилона фойдаланган фермер ҳамиша эл ардоғида бўлади, иши ўнгидан келади.

Валижон ЮСУПОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Dakki

ҚАРЗ ТЎЛАНДИ, АММО...

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Қонун кўмаги туфайли "Уста" масъулияти чекланган жамияти бошқа жамоаларга кўрсатган хизматлари эвазига ҳам қуйиб қолмади. Хусусан, у ўтган йил давомида "Халқобод" ширкат хўжалигига 7.495.638 сўмлик эҳтиёт қисмлари сотган эди.

Бироқ бу ишонч ширкат хўжалиги томонидан оқланмади. Аниқроқ қилиб айтганда, хўжалик техник қисмлар суммасининг бир қисмини тўлади-ю, "Уста" жамияти олдида 2.962.138 сўм миқдорида қарздорлигича қолаверади.

"Уста" масъулияти чекланган жамияти билан "Кегейли" ширкат хўжаликлари ўртасида ҳам шундай ҳолат рўй берди. Ширкат хўжалиги жамият ҳисобидан 2.912.319 сўмлик эҳтиёт қисмлари сотиб олиб, ҳақини тўлашга келганда, ваъдани унутди.

Суд мазкур ҳолатлар юзасидан тегишлича қарор қабул қилди. Унга кўра, "Халқобод" ва "Кегейли" хўжаликлари ўз зиммаларидаги мажбурий тўловлар ҳамда устама пулини тўлашга жалб этилди.

Масала ҳақ жойида қарор топди. Аммо унинг жиндек таассуфли томони шундаки, ҳар учала хўжалик раҳбарлари суд мажлисида иштирок этишмади.

«Жавобгар судда қатнашмади».

Сир эмаски, кейинги пайтларда хўжалик ва фуқаролик ишлари бўйича ўтказилаётган суд мажлислари қарорларида бу жумлани ботбот учратиб қоламиз. Мулоҳаза туғилади: нега шундай? Одатда, бирон-бир айбдор одам кўп ҳолда ўзини оқлашга, турли йўллар билан хаспўшлашга уринади. Хўш, лафзсизлик, бетайинлик туфайли қарздорлик ботқоғига ботган хўжалик ёки корхона раҳбари-чи? Ўзича моддий жавобгарликдан чўчиган бундай мутасаддди шахслар учун бирор чора қўлланиладими?

"Сўраганнинг бир юзи қора, бермаганнинг икки юзи қора" деган нақл бор. Гарчи бу нақл моҳият-эътибори билан биз тилга олаётган мавзуга бевосита дахлдор бўлмаса-да, унинг қонун талабларига бўйсунишга бўйни ёр бермаган баъзи раҳбарларга алоқадор томонлари йўқ эмас.

Президентимиз маърузаларида таъкидланганидек, ҳозирги кунда раҳбарлик курсисида ўтирган ҳар қандай шахснинг бирор-бир масъулиятли жараёндан четда туришга ҳаққи йўқ. Юртбошимиз фикридан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, демак, ҳар қайси раҳбар ходимисиз суд жараёнидаги иштирокига ҳам бефарқлик билан қараб бўлмайди.

Абулқосим ОТБЎЛИЕВ,
ҳуқуқшунос
Тожимурод ЭШМУРОДОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Mulohaza va tahlil

ЕЧИМ ТОПГАН МУАММО

Албатта, ҳаётдаги қонунлар ва ҳукуматимиз қарорларига мос келмайдиган ҳар қандай қарорнинг умри қисқа бўлади. Бу фикр исбот талаб қилмайди. Бироқ ана шундай ғайриқонуний қарор "қисқа умри" давомида бир неча кишининг оварагарчилигига сабаб бўлишини қандай изоҳлаш керак?

Энди асосий муддаога ўтадиган бўлсак, "Пўлат ўғли Бердиқул" фермер хўжалиги ўзининг фаолиятини 2002 йил Ғаллаорол туман ҳокимининг қарорига асосан бошлаган. Ўша йилнинг декабр ойида эса «Ғаллаорол дон қабул қилиш» масъулияти чекланган жамият билан давлат эҳтиёжи учун дон харид қилиш контрактация шартномасини имзолайди. Мазкур шартнома шартига кўра, фермер хўжалиги жамиятга 143 тонна дон топшириши керак эди. Фермер хўжалиги бунинг тўлиқ уддасидан чиқади.

Бундан, табиийки, фермер хўжалиги аъзоларининг қувончи чексиз эди. Нега деганда, манфаатдорлик ҳам шунга яраша юқори эди-да.

Бироқ топширилган ғалланинг пулини олишга келганда, фермер хўжалиги раҳбари Мингбўсин Иброҳимов қизиқ ҳолатга тушиб қолди. Чунки бошқа фермерларга топширган дон маҳсулоти учун пул бор-у, унга эса 2 миллион 800 минг сўм йўқ. Фермер бунинг сабабини билиш учун жамият раҳбарларига учрашади. Буни қарангки, жавоб ҳам тайёр экан. Мазкур фермер хўжалиги Ғафур Ғулом номидаги ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган. Бироқ ширкат хўжалиги 2003 йилда тугатилгану дон қабул қилиш масъулияти чекланган жамиятидан 2 миллион 800 минг сўм қарзи узилмай қолган экан. Ана шу қарз фермер хўжалигининг ҳисобидан қопланганмиш...

Хўш, бу ҳолни қандай изоҳлаш керак?

Ширкат хўжалиги қарздор бўлса, нега энди бу қарзни айнан "Пўлат ўғли Бердиқул" фермер хўжалиги узиши керак? Бундай йўл тутиш фермер хўжалигининг бир йиллик меҳнатини ҳавога совуриш билан тенг эмасми?

Кези келганда шуни айтиш керакки, қонун ва ҳукуматимиз қарорларида бундай ҳолга дуч келинганда қай тариқа йўл тутиш аниқ кўрсатиб берилган. Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 январдаги 8-сонли **"Қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарорига кўра паст рентабелли ва қайта ташкил этилаётган хўжаликларнинг ажратувчи балансидаги активлар ва пассивлар янги ташкил қилинаётган фермер хўжаликлари ўртасида тақсимланиши кераклиги кўзда тутилган.

Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, ана шу 2 миллион 800 минг сўм қарз Ғафур Ғулом номидаги ширкат хўжалиги ҳудудида янги ташкил этилган барча фермер хўжаликлари ўртасида тенг тақсимланиши керак эди.

Кўпчиликка қарзни узиш оғирлик қилмайди, ҳам адолатли йўл тутилган бўлади. Мутасаддилар бутун қарзни "Пўлат ўғли Бердиқул" фермер хўжалиги зиммасига юклаб, Вазирлар Маҳкамасининг қарори талабларини қўпол равишда бузишган. Оқибатда "Пўлат ўғли Бердиқул" фермер хўжалигига нисбатан ноҳақлик қилинган. Ростда, бир тадбиркор йил давомида ишлаб-ишлаб, етиштирган дон маҳсулотининг 2 миллион 800 минг сўмини асоссиз бировга бериб ўтирса, малол келмайдими?!

Тадбиркор М.Иброҳимовнинг даъво аризаси вилоят хўжалик судида кўрилаётган чоғида «Ғаллаорол дон қабул қилиш» масъулияти чекланган жамият ҳисобчиси М.Тошпўлатов жавобгар вакил сифатида иштирок этди. М.Тошпўлатовнинг айтишича, жамиятдагилар бу ишга ўзларича қўл уришмаган. Тугатилган ширкат хўжалигининг қарзини туман ҳокимининг қарорига асосан "Пўлат ўғли Бердиқул" фермер хўжалиги ҳисобидан ушлаб қолишганмиш.

Мамлакатимиз аграр соҳасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Шулардан бири ва энг муҳими, паст рентабелли, қарзга ботган ширкат хўжаликлари тугатилиб, янги фермер хўжаликлари ташкил этилаётганидир. Бундай паллада фермер хўжалигига юқоридаги сингари муносабатда бўлинса, ноҳақлик қилинган бўлади. Ноҳақлик эса ортиқча асаббузарликка олиб келади.

Шундай қилиб, вилоят хўжалик суди "Пўлат ўғли Бердиқул" фермер хўжалиги фойдасига «Ғаллаорол дон қабул қилиш» масъулияти чекланган жамият ҳисобидан 2 миллион 800 минг сўм асосий қарзни ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди. Ноҳақлик қилинишига туман ҳокимининг қарори сабаб бўлган эди. У суд тартибида ечим топди.

Раҳимжон МАВЛОНОВ,
ҳуқуқшунос
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Huquqiy ma`rifat

МЕРОС ҲУҚУҚИ

унинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

(Давоми. Боши биринчи бетда)

2) Мерос қолдирувчининг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зиён учун тўланадиган товонга бўлган ҳуқуқ мерос қолдирувчининг шахсига тегишли бўлгани учун мерос таркибига кирмайди.

Аммо ҳаётлигида етказилган зарарни қоплаш ҳисобидан олиши лозим бўлган, аммо ололмай қолган маблағ мерос таркибига киради ва у умумий тартибда ворисларга ўтади.

3) Вояга етмаган ёш болаларга таъминот бериш мажбурияти (Оила кодексининг 96-моддаси), меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож бўлган ота-оналарига таъминот бериб туриш мажбурияти (109-модда), бошқаларга зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар, боқувчиси вафот этгани натижасида зиён кўрган шахсларга зарарни тўлаш мажбурияти (ФКнинг 1009-моддаси) ва бошқа шахсий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлар мерос таркибига кирмайди.

4) Махсус қоидаларга, меҳнат ва таъминот тўғрисидаги қонун ҳужжатларига асосан қуйидаги мулкий ва номулкий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлар мерос таркибига кирмайди ва мерос қолдирувчининг меросхўрларига ўтмайди:

а) ижтимоий таъминот йўли билан ногиронларга текинга берилган енгил автомашиналар мерос мулк сифатида ворисларга ўтмайди.

б) меҳнат қонунлари асосида вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотгани учун нафақа олиш, ижтимоий таъминот қонунларига асосан пенсия олиш, қарамоғида бўлган кичик ёшдаги болалари учун нафақа олиш ҳуқуқи ва бошқа тўловларга бўлган ҳуқуқ, агар у мерос қолдирувчининг шахси билан боғлиқ бўлса, мерос таркибига кирмайди:

в) шахсий суғурта шартномаси бўйича (ФКнинг 921-моддаси) суғурта қилинган шахснинг вафоти муносабати билан унга тўланадиган суғурта пули мерос таркиби ҳисобланмайди.

Вафот этган шахснинг алоҳида хизматлари учун берилган мукофотлар махсус қонунларга асосан мерос ҳуқуқи таркибида мерос қолдирувчининг оила аъзоларига эсдалик сифатида сақлаш учун топширилади.

Фуқаролик кодексининг 1116-моддасига кўра, мерос фуқаронинг ўлими ёки унинг суд томонидан вафот этган деб эълон қилиниши оқибатида очилади.

Мерос қолдирувчининг ўлган куни (зарурат бўлган пайти ҳам), у вафот этган деб эълон қилинганда, агар суднинг қарорида бошқа муддат кўрсатилган бўлмаса, вафот этган деб эълон қилиш тўғрисидаги суднинг қарори кучга кирадиган кун мерос очилган вақт деб ҳисобланади.

Агар биридан кейин бошқаси мерос олишга ҳақли бўлган шахслар бир календар сутка (йигирма тўрт соат) ичида вафот этган бўлса, улар бир вақтда вафот этган деб ҳисобланади, мерос уларнинг ҳар биридан кейин очилади ва улардан ҳар бирининг меросхўрлари ворисликка чақирилади.

Меросни очилиши вақтини тўғри аниқлаш ҳам меросга оид ҳуқуқий муносабатларни амалга оширишда ғайриқонуний ҳаракатларнинг олдини олади. Чунки меросхўрлар доирасини ва меросни таркибини аниқлаб олиш, меросни қабул қилиб олиш ва меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани бериш, меросдан воз кечиш, ҳозир бўлмаган меросхўрларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мерос мулкни эгасиз деб топиш ва меросга оид бошқа ҳуқуқий муносабатларнинг амалга оширилиши мерос очилиши пайтининг тўғри аниқланишига боғлиқ.

Фуқаролик кодексининг 1118-моддасига мувофиқ мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган фуқаролар, шунингдек, мерос қолдирувчининг ҳаётлик пайтида ҳомила ҳолида бўлган ва мерос очилгандан кейин тирик туғилган болалари васият ҳамда қонун бўйича меросхўр бўлишлари мумкин.

Мерос очилган пайтда тузилган юридик шахслар, давлат ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идоралари ҳам васият бўйича меросхўр бўлишга ҳақли. Ворисларнинг доираси мерос очилгандан кейин аниқланади. Чунки меросхўр бўлиш учун улар мерос очилган пайтда ҳаёт бўлиши лозим.

Ворислар қонун ҳамда васият бўйича бўлиши мумкин. Мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган мерос қолдирувчи билан қариндошлик муносабатларида бўлган шахслар қонун бўйича меросхўрлар доирасига киради.

Мерос қолдирувчидан туғилган фарзандлар ва уларнинг авлодлари, яқин қариндошлар — ота-она, бобо-буви, ака-ука, опа-сингил, тоға-амаки, амма-хола ва бошқалар қонун бўйича ворис ҳисобланади.

Бундан ташқари, мерос қолдирувчи вафот этгандан сўнг, яъни мерос очилгандан кейин тирик туғилган болалари, шунингдек, фарзандликка олинган болалари ҳам ворисдир.

Қонун бўйича меросхўрлар жумласига фақат қариндош бўлган шахслар кирса, васият бўйича исталган киши меросхўр бўлиши мумкин.

Мамлакатимиз Конституциясининг 54-моддасига асосан ҳар бир фуқаро ўзининг хусусий мулкини хоҳлаган жисмоний ва юридик шахсга мерос қилиб қолдириш ҳуқуқига эга.

Вафот этган шахс (мерос қолдирувчи)га тегишли бўлган мол-мулкнинг бошқа шахслар (меросхўрлар)га ўтиши ворислик ҳисобланади. Фуқаро ўзига тегишли бўлган хусусий мулкнинг тақдирини вафот этганидан сўнг ҳал қилувчи фармойишни ўзи тириклигида қонунда белгиланган тартибда васиятнома билан расмийлаштирилади.

Ворислик васият мавжуд бўлмаган ҳолларда қонун бўйича амалга оширилади. Бундан ташқари, васиятнома қисман ёки тўлиқ ҳақиқий эмас деб топилса (1130-модда) ёки мерос мулкнинг ҳаммаси васият қилинмаган бўлса, унинг васият қилинмай қолган қисмига нисбатан қонун бўйича ворислик амалга оширилади.

Фуқаролик кодексининг 1146-моддасига кўра, мерос очилган жойдаги нотариус меросхўрнинг илтимосига кўра унга меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериши шарт.

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома мерос очилган кундан эътиборан олти ой ўтгандан кейин берилади.

Қонун ва васиятнома бўйича мерос очилганда, агар нотариус тегишли мол-мулкка ёхуд бутун меросга нисбатан гувоҳнома беришни сўраб мурожаат этган шахслардан бошқа меросхўрлар йўқлиги тўғрисида маълумотларга эга бўлса, гувоҳнома юқорида кўрсатилган муддат тугамасдан олдин ҳам бериши мумкин.

Ҳаётда аксарият ҳолларда меросхўрлар меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномани олишда бошқа меросхўрлар борлигини яшириб, гувоҳнома олгач, мерос мулкни сотиб юборади. Шундан сўнг бошқа меросхўр бундан хабардор бўлади ва судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани қисман ҳақиқий эмас, деб топиш ва олди-сотди шартномасини бекор қилишни сўрайдилар. Бундай ҳолатда суд бошқа меросхўрнинг ушбу даъво талабларини қаноатлантиришни лозим топади. Бу эса мулкни сотиб олувчининг зиён кўришига сабаб бўлади.

Ш. СУЛТОНОВА,
ҳуқуқшунос

ҲАЁТ ЭЗГУЛИК БИЛАН ЖОЗИБАЛИ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Бироқ Р.Ризаевнинг турмуш ўртоғи Ш.Эгамбердиевининг **ярашганлик** тўғрисидаги аризаси, фарзанди Дилафрўз учун тўланиши лозим бўлган 243 минг 65 сўмлик нафақа тўлиқ қопланган ва ҳозирда ҳар ойда нафақа олаётгани, Р.Ризаевнинг айбига иқрорлиги, қилмишидан пушаймонлиги, бир-бирларига нисбатан даъволари йўқлигини эътиборга олиб, суд Р.Ризаевни жиноий жавобгарликдан озод этди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Таъкидлаш ўринлики, бундай инсонпарварлик ва бағрикенглик билиб-билмай жиноят содир этган шахсларга, айниқса, ёшларга қилмишларини ҳар томонлама таҳлил қилиб, тўғри йўлни танлаб олишларига катта имкон бермоқда. Ярашув институтининг яна бир муҳим ҳуқуқий аҳамияти шундаки, эндиликда содир этган қилмиши учун Жиноят кодексининг янги 66¹-моддасида қўлланилганда бу шахс тақдирига "судланганлик" тамғаси босилмайди.

Агар Жиноят кодексининг 66¹-моддасида кўрсатилган шартларга қатъий риоя этилган ҳолда тарафлар ярашувга келишишса, жиноят ишини тугатиш тергов ва суд идораларининг ҳуқуқигина эмас, балки уларнинг процессуал мажбуриятига ҳам айланади.

Айбдор шахснинг жиноятни биринчи маротаба содир этгани, ўз айбига иқрор бўлгани, жабрланувчи билан ярашгани ва унинг белгиланган процессуал тартибда расмийлаштирилгани, айбдор шахс томонидан келтирилган зарарнинг қоплангани янги модданинг асосий шарти ҳисобланади.

Агар ана шу талаблардан бирортаси мавжуд бўлмаса, шахсларнинг ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш мумкин эмас.

Кези келганда шуни айтиб ўтиш жоизки, ярашув институти ривожланган қатор мамлакатларда, масалан, АҚШ, Буюк Британия ва бошқа тараққий этган давлатларда ҳам кенг қўлланилмоқда.

Америка Юристлар уюшмаси маълумотларига қараганда, АҚШда содир этилган жиноятларнинг қарийб 90 фоизи айнан ана шу жараён билан ниҳояланади.

Хулоса ўрнида айтсак, мамлакатимизда олиб борилаётган туб ислоҳотлар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган. Зеро, инсон ва унинг манфаатлари олий қадриятдир.

Бахтиёр ИСМОИЛОВ,
ҳуқуқшунос
С.СИРОЖИДДИНОВ,
журналист

Mulohaza

ЖАМИЯТДА АЁЛ НУФУЗИ

Аёл — ҳаётимиз гултожи, аёл — она, аёл — мураббий деган иборалар бугун жамиятимизда ўзининг ҳақиқий исботини топиб бермоқда. Аввало аёлларимиз мана шундай улуғ номларга муносиб бўлишга, жамиятдаги ўз мавқеларини мустаҳкамлашга интилишмоқда. Бугунги кунда маданий-маиший соҳаларда, таълим-тарбия ва санъатда асосий куч аёллар эканлиги ҳам кундай равшан. Энди сиёсий-ижтимоий, иқтисодий соҳаларда ҳам аёлларга кенг ўрин беришга интилиш сезилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 25 майдаги **"Ўзбекистон хотин-қизлари қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Фармони биз, аёлларга кўрсатилиб келинаётган улкан ғамхўрликнинг ҳақиқий ифодаси бўлди ва яна айтиш лозимки, бу билан хотин-қизларнинг жамиятда етакчи куч эканликлари ва улар мана шунга яраша мавқега эга бўлишлари учун қўллаб-қувватланиши лозимлиги қайд этилди. Шундан сўнг ўзини ўзи бошқариш идораларида, маҳаллий ҳокимликларда хотин-қизлар қўмиталари таркибига жиддий ўзгаришлар киритилгани бир томондан қувонтирса, мамлакатимиздаги мавжуд бешта сиёсий партиянинг барчасида алоҳида хотин-қизлар қанотлари тузилгани ва улар самарали иш олиб боришаётгани иккинчи томондан, янада дадил ишлашга ундамоқда.

Хотин-қизларнинг "Тадбиркор аёл", "Ишбилармон аёл", "Меҳр-шафқат", "Меҳрибонлик" уюшмалари дастлабки одимларини бева-бечораларга, етим ва ногиронларга мадад беришдан бошлашди. Буни доимий йўлга қўйиш бош мақсадлари эканлигини баён қилишганидан ҳам кўриниб турибдики, халқимизга хос меҳр-мурувватлилик, бағрикенглик, фидойилик ушбу тадбирларда ўз аксини топмоқда. Демак, хотин-қизларимиз жамиятда фаол ўлада оладилар ва бунга имконият етарли.

Мамлакатимиз Бош Қомусида белгилаб берилган тенг ҳуқуқлилик тамойиллари амалда ўз ифодасини топмоқда. Энг муҳими, хотин-қизлар оила, жамият ва давлат қурилишида тенг ҳуқуқли куч сифатида ўзларини намоён этиши учун 26 декабрда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ва маҳаллий кенгашларга бўладиган сайловларда яна имконият юзага келмоқда. Аввало сайловларга тайёргарлик кўришда, округ ва сайлов комиссиялари таркибида хотин-қизлар салмоқли ўринни ташкил этмоқда. Депутатликка кўрсатилаётган номзодларнинг сезиларли қисми ҳам аёллардан иборатдир. Бу сиёсий партиялар ва ташаббускор гуруҳларининг мамлакатимиз Конституцияси ва қонунларимизга оғишмай риоя этишаётгани ва аёлларнинг жамият ҳаётида етакчи куч сифатида эътироф этилаётгани мевасидир. Зеро, сайловчиларнинг салмоқли қисмини ташкил этаётган хотин-қизлар мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидан четда қолиши мумкин эмас.

Сайловларда аёллар фаоллиги яна шунинг учун ҳам муҳимки, вакиллик органларига кўрсатилган номзодлар орасидаги энг муносиб аёллар ҳар томонлама қўллаб-қувватланишига эришмоқ зарур. Зеро, эртага мамлакатимизда фуқаролик жамияти янада тараққий этишига, давлат сиёсатида хотин-қизлар нуфузи муносиб ўрин олишига хизмат қиладиган қонун ҳужжатлари вужудга келишига бевосита самарали таъсир кўрсатган бўламиз. Фақат сайловда қатнашиш билан эмас, балки у ёки бу муносиб номзодга овоз бериш ҳам ҳаётимизда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Кўриниб турибдики, жамиятимизнинг эртанги куни хотин-қизларимизнинг фаоллигига, онглилигимизга, ҳар бир воқеага теран қарай олишимиз ва унга қай даражада таъсир кўрсатишимизга ҳам боғлиқдир.

Юртимиз фаровонлиги, оиламиз тинчлиги ва болаларимиз келажаги ўз қўлларида эканлигини аёлларимиз унутмасликлари лозим.

Салима УСМОНОВА

Қаҳвахонадаги қуюқ зиёфат аста-секин ниҳоясига етиб борарди. Акобирнинг ҳам, дўстлари Нодир билан Рашиднинг ҳам анча кайфи ошиб қолди. Уч-тўрт шиша ароқни пайдар-пай бўшатишгач, улфатлар қийқириб кулишганда қулоқ қоматга келарди. Айниқса, Акобирнинг димоғи чоғ эди. У бугунги зиёфатнинг ташкилотчиси бўлгани учун унинг айтгани-айтган, дегани-деган эди.

ТУНДАГИ ФОЖИА

СУД ОЧЕРКИ

Акобирнинг бу ўтиришдан димоғи чоғ бўлган бўлса-да, лекин барибир, нимадир етишмаётган, нимадандир кўнгли тўлмаётган эди. Шунда унинг кўз ўнгида бир ёш аёлнинг хушрўй сиймоси гавдаланди-ю, йўқотган нарсасини топиб олгандек суюниб кетди. Бу хушрўй аёлни бир неча кун олдин тасодифан кўрган, сўраб-суриштириб, унинг кўпқаватли уйда икки нафар боласи билан ёлғиз яшашини билиб олган, нима қилиб бўлса ҳам аёлнинг кўнглини овлаб, у билан шакаргуфторлик қилишни дилига тугиб қўйган эди.

"Мана ҳозир роса мавриди, — дея ўйлади у, — эшигининг кўнғироғини чаламан, эшик очилгандан сўнг ўзимни таништираман. «Сизни яхши кўраман, хўп десангиз, уйланаман» дейман. Бу гапларимдан сўнг аёл..."

Акобир тасаввурида гавдаланган манзарадан ўзи ҳаяжонланиб, дўстларига сўз қотди:

— Қани, турдик, кетамиз!

Акобир улфатлари билан шу ернинг ўзидаёқ хайрлашиб кетмоқчи эди. Кутилмаганда миясига бир фикр келди: "Йўқ, Рашид мен билан бирга боради, аёлнинг уйига кирганимдан кейин бирон нарсага зарурат туғилиб қолиши мумкин. Рашидга пул берсам, дарров бозор-ўчар қилиб беради-да, кейин уйига кетаверади", деб ўйлади ичида ва Рашидга қараб:

— Сен кетма, бир жойга олиб бораман, — деди.

Акобир мастлик орқасида бир нарсани, яъни бемаҳалда, яна қаттиқ кайф ҳолда нотаниш аёлнинг уйига бориш яхши эмаслигини, бундай вазиятда бегона аёлнинг уйини тақиллатиш ўт билан ўйнашишдан бошқа нарса бўлмаслигини бутунлай унутган эди.

У шаҳар четидаги кўпқаватли уйларнинг бири ёнида тўхтади. Соат кечки ўнлардан ошган, кўча деярли кимсасиз, кўпқаватли уйнинг хонадонларидаги чироқларнинг ҳам аксарияти ўчган эди.

— Сен мени шу ерда кутиб тур. Чақирсам чиқасан, — деди Акобир ва ичкарига қадам босди. У аёлнинг ишончини қозонишига ишончи комил эди. Шунинг учун ўзига керакли хонадоннинг эшигини ҳеч иккиланмай тақиллатди.

Сурайё болаларини ухлатиб, ўзи ҳам эндигина ётишга тараддуд кўраётганда эшик қутилмаганда тақиллаганини эшитиб юраги орқага тортиб кетди. "Ким бу бемаҳалда келган?" — деган ўйда оёқ учида юриб эшик ёнига келди. Юраги қўрқувдан гурс-гурс урар, ранги оқариб, вужуди қалт-қалт титрарди. "Кимдир адашиб қолган бўлса қайтиб кетгандир" деб ўйлади у эшик томонга хавотир билан кўз ташлар экан.

Эшик яна тақиллади, боягидан кўра қаттиқроқ тақиллади.

Jinoyat va jazo

— Кимсиз? Сизга нима керак? — деди у зўрға.

— Мен... Мен Акобирман, меҳмонга келдим.

— Мен меҳмон кутмаяпман, ҳеч кимни меҳмонга таклиф қилганим йўқ. — Сурайёнинг кўнглидаги қўрқув ўрнини энди ғазаб эгаллади.

Мен бориб ўзимни таништиришим билан эшик ланг очилади, деб хаёл қилган Акобир кутилмаган қаршиликка дуч келганидан ўзининг иззат-нафси ҳақоратлангандай ҳис қилди-да, қаттиқ жаҳли чиқиб кетди.

— Эшикни оч, бўлмаса, бузиб кираман, — деб бақирди Акобир ва эшикни қаттиқ муштлади.

Унинг бақиригидан ширин уйқуда ухлаб ётган Сурайёнинг болалари уйғониб, йиғлай бошлади.

Сурайё қўшниларининг безовта бўлишидан, уларнинг ёмон хаёлларга бориши мумкинлигидан қаттиқ чўчиди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Qonun dastagi

ШОШИЛИНЧ ҚАРОР

Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитасининг Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси вилоят телерадиокомпаниясидан 1 миллион 88 минг сўм, Урганч шаҳридаги "Озиқ-овқат савдо" масъулияти чекланган жамиятдан 544 минг сўм миқдорида жарима ундириш ҳақида қарор чиқарди.

Бунга вилоят телевидениеси орқали намойиш этилган сурхондарёлик табиб Қаҳҳор Хушбоқов ҳақида реклама лавҳаси сабаб бўлди. Ҳудудий бошқарма раҳбариятининг хулосасига қараганда, мазкур реклама лавҳаси томошабинларни чалғитиши, омма ва давлат манфаатларига зиён етказиши мумкин. Бошқача айтганда, реклама лавҳасида қайд этилган дори ҳамда уни тайёрлаган корхонанинг тўлиқ номи, фойдаланиш ёки қўллаш тартиби ҳақидаги ахборотга ўрин ажратилмаган. Бундан ташқари, телевидение мутасаддилари даволаб бўлмайдиган ёки даволаш қийин бўлган касалликларга нисбатан самарали терапевтик усулларни қўллашга доир реклама материалларини Соғлиқни сақлаш вазирлигининг рухсатисиз намойиш қилиш таъқиқланганини эътиборга олишмаган. Дарвоқе, бу ҳолат **"Реклама тўғрисида"**ги қонуннинг 13 ва 22-моддаларида аниқ-равшан ифодасини топган. Расмийлаштирилган ҳужжатларда қайд этилишича, Урганч шаҳридаги "Озиқ-овқат савдо" жамияти **"Реклама тўғрисида"**ги ва **"Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"**ги қонунларнинг бир қатор моддаларига хилоф иш тутиб, табибга ҳомийлик қилган, реклама сарф-харажатларини қоплаган. Бундан ташқари, жамият истеъмолчига касса чеки берилишини таъминламаган, мижозларни табиб томонидан тавсия этилган дори ҳақидаги маълумотлардан хабардор қилмаган. Назорат маҳкамаси масъулларининг фикрига кўра, ушбу вазифани буюртмачи-ҳомий сифатида "Озиқ-овқат савдо" жамияти ўз зиммасига олиши лозим эди.

Ана шулардан келиб чиқиб, шу йилнинг 13 феврал куни Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси вилоят телерадиокомпанияси ва "Озиқ-овқат савдо" жамияти раҳбарларига 05/07 ва 05/08-сонли қўшма кўрсатма билан мурожаат қилиб, қўлланилган жаримани зудлик билан тўлаш ҳамда қарши реклама материалини эфирга узатишни талаб қилди. Ушбу кўрсатмани бажариш учун икки ҳафта муддат белгиланди. Ушбу кўрсатма ҳар иккала ташкилот раҳбарлари томонидан тегишли тартибда ўрганилди, далиллар атрофлича таҳлил этилди, маслаҳат ва муҳокамалар уюштирилди. Айниқса, телевидение жамоаси фаол ҳаракат қилди. Тележурналистлар реклама материалларини намойиш қилиш билан боғлиқ ҳуқуқ ва ваколатлар ҳудудий бошқарма томонидан бузилган, деган хулосага келишди ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб, Хоразм вилояти адлия бошқармасига мурожаат қилишди. Ўз навбатида адлия бошқармаси масала ўрганиб чиқилгунга қадар жарима ижросини тўхтатиб туришни сўраб ҳудудий бошқарма мутасаддиларига расмий хат йўллади. Аммо ҳудудий бошқарма ижро ҳаракатларини тўхтатиб туриш ўрнига кўрсатмани бажармагани учун телевидение мутасаддиларини яна 544 минг сўм миқдоридаги жарима билан "сийлади". Энг кам ойлик маошнинг юз бараварига тенг бўлган янги жарима томонлар ўртасида юзага келган зиддиятни баттар чигаллаштирди. Шундан сўнг адлия бошқармаси масалани вилоят хўжалик суди ҳукмига ҳавола этди. Ишни ўрганиб чиққан суд Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармасини ҳақ деб топди. Апелляция тарзида қилинган шикоятдан ҳам натижа чиқмади. Ўз хатти-ҳаракатларини қонуний ҳисоблаган телерадиокомпания ва адлия бошқармаси Олий хўжалик судига мурожаат этди. Ушбу даъвони вилоят прокуратураси ҳам қўллаб-қувватлаб, кассация протести киритди.

Гарчи ҳудудий бошқарма томонидан келтирилган важларнинг мазмун-моҳияти бирмунча равшан баён этилган бўлсада, адлия, прокуратура ва жавобгар ҳисобланган тарафларнинг эътирозлари ҳам ноўрин эмас эди. Хўш, у ҳолда томонлар ўртасида юзага келган келишмовчиликнинг туб илдизи қаерда? Жарима чиндан ҳам, қонуний ундирилганмиди? Қуйи инстанция судида аниқланмаган ҳолатлар нималардан иборат?

Олий хўжалик судининг кассация судлов ҳайъати айнан ана шу саволларга аниқлик киритди. Телевидение ва савдо ташкилотига солинган жаримани қонунийлиги бандма-банд ўрганилганда аён бўлдики, «зангори экран»га чиқарилган реклама лавҳаси, авваламбор, табиб томонидан беморларга тавсия этилган дорининг таърифига эмас, балки К.Хушбоқовнинг табиблик фаолиятига бағишланган:

(Давоми тўртинчи бетда)

Jahon tajribasi

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

у глобал масалаларни ҳал қилишнинг муҳим омили

Башарият бугунги кунда кўплаб ва хилма-хил ўзгаришларнинг тарихий онларини ўз бошидан кечирмоқда. Бугунги ривожланиш жараёнлари моҳият-эътибори билан глобаллашувни талаб қилмоқда.

Ўз навбатида, глобаллашув жараёни ер қурасидаги барча давлатларнинг фаолиятини бир мақсадга жамлаб ҳаракат қилиш заруратини қўймоқда. Бугунги кунда минтақалар хавфсизлиги ва алоҳида давлатлар миллий хавфсизлигини таъминламай туриб, умумий халқаро хавфсизликка эришиб бўлмаслиги ҳаммага равшан.

Кимки қандайдир тор хавфсизлик қобиғига ўралиб, бу Европа, Америка ёки бошқа бирон минтақага таллуқли дея, "ўзга" давлатлар муаммоларидан гўё четда туришга интилаётган бўлса, мавжуд воқеликдан тамомила йироқдир. Бугун дунё мамлакатлари бир-бири билан узвий боғлиқ ва ажралмасдир.

Ҳаёт шуни кўрсатмоқдаки, алоҳида ҳудуд ёки давлатда давом этаётган урушлар, низолар, қарамақаршиликлар аста-секин албатта, бу доирадан чиқиб, можаролар гирдобига янги-янги ҳудудлар ҳамда кучларни тортиб олади, минтақаларо ва давлатлараро хусусият касб этади.

Халқаро ҳуқуқ тизимида халқаро муносабатлар субъектларининг эътироф этилган тамойиллари мавжуд бўлиб, унга қатъий риоя этиш мажбурийдир. Бу тамойил халқаро миқёсда универсаллик тамойили деб юритилади, унинг ҳуқуқий меъёрлари БМТ Низомида белгилаб қўйилган. Айни пайтда халқаро ҳуқуқ субъектлари бўлган давлатлар сони 185 тага етди.

Ҳозирги замоннинг муҳим муаммолари, жумладан, халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, қуролсизланиш, демилитарлаштириш ва космик фазонинг нейтраллигини таъминлаш, жаҳон океанлари ресурсларидан фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқа муаммолар глобал хусусиятга эга бўлиб, халқаро ташкилотлар доирасида давлатлар саъй-ҳаракатларини бирлаштиришни тақозо этади. Илмий-техника ривожи халқаро ҳуқуқ олдига янада муҳимроқ муаммоларни қўймоқда. XX аср охири XXI аср бошида халқаро терроризм, экстремизм, гиёҳванд моддаларини тарқатиш, ноқонуний равишда қурол савдосини, контрабанда ва ноқонуний муҳожирликдан иборат умуминсоний муаммолари юзага келди. Бу муаммолар барча давлатларга дахлдор, шунинг учун ҳам уларни ҳал қилиш жараёнида жаҳондаги барча давлатлар иштирок этиши керак.

XXI асрда тарихий, иқтисодий ва ижтимоий вазият ўзгариб, халқаро хавфсизликка таҳдид кучайди. Жаҳон ҳамжамиятининг илғор кучлари халқаро муносабатларда универсаллик тамойилини изчил қўллаб келмоқда, чунки у халқаро кучлар томонидан тан олинган. Масалан, 1970 йилдаги Лусан Декларациясида **"халқаро муносабатларни демократлаштириш учун барча халқларни, халқаро сиёсатда тенглик асосида иштирок этиш ҳуқуқни қарор топтириш зарурлиги"** таъкидланган.

Универсаллик тамойили шундай юридик тузилмаки, унда барча суверен давлатлар кўп томонлама ҳамкорлик асосида халқаро универсал ташкилотларда қатнашиш ҳуқуқига эга, унинг мақсади ва фаолият йўналиши дунёдаги барча давлатлар манфаатига мос тушади.

Универсаллик тамойили давлатлараро алоқаларнинг юридик ифодасидир, унга халқаро ҳуқуқнинг янги субъектлари жалб этиб келинмоқда. Бу тамойил орқали глобал масалаларни ҳал қилишда барча давлатларнинг куч-ғайратлари мувофиқлаштирилиб борилади.

Универсаллик ҳар бир давлат муаммолари, фикр-мулоҳазалари, таклифларини ҳар томонлама кўриб чиқишни таъминлайдиган шарт-шароит яратади. Шу асосда ҳар томонлама мақбул қарор қабул қилинади. Унга қатнашишда жаҳон халқаро ҳамкорлик тизимининг меъёрий фаолияти кафолат вазифасини бажаради.

Мурод ЎРОЗАЛИЕВ,
магистр

Mavzuga qaytib

“ҚАРС” ИККИ ҚЎЛДАН ЧИҚАДИ...

Газетамизнинг шу йил 9 ноябр сонида чоп этилган “Бир уй можароси” сарлавҳали мақолада баён этилган Андижон шаҳридаги Шаҳрихон кўча, 260-уйда яшовчи Турсунбой Абдурасуловни қўшнилари Аъзамжон Ёқубов ва Муяссархон Эргашевалар билан можароларини ўрганиш давомида масаланинг иккинчи томони ҳам борлиги маълум бўлиб қолди.

Ахир, қарс икки қўлдан чиқади, деган нақл бекорга айтилмаган-да.

Қизиғи шундаки, улар ўн йил давомида яхши қўшничилик қилиб келишди. Лекин Турсунбой Абдурасулов томонидан кўчанинг бир қисмига ноқонуний қурилма қуриб, кўчани торайтириб олгач, қўшнилар томонидан йўлни очиб қўйишни сўрашганда унинг ғаши келиб, аризалар ёзишни бошлаган.

Бу орада Турсунбой Абдурасулов ҳам қўшнилари Аъзамжон Ёқубов ва Муяссархон Эргашеваларга нисбатан жанжал ва туҳмат қилгани учун бир неча бор жиноий ишлар бўйича Андижон шаҳар суди томонидан маъмурий жавобгарликка тортилган.

Афсуски, кейинчалик бу можароларга фарзандлар ҳам аралашиб кетади. 2002 йил 25 июл куни Турсунбой Абдурасуловнинг 1970 йилда туғилган, оилали, уч нафар фарзандли Абдишукур Аъзамжон ва Муяссархоннинг вояга етмаган икки ўғли билан жанжаллашиб уларнинг уйи томон тош отган. Шу пайт кўчага чиққан Муяссархон опанинг бошига тош тегиб, Абдишукур ерга йиқилиб тушади. Шунда ҳам у жиноий ҳаракатини тўхтатмай, қўлига тош олиб, онасини ҳимоя қилаётган ёш боланинг чаккасига уради ва енгил тан жароҳати етказади. Бу билан ҳам қаноатланмай фарзандларининг кўз ўнгида бечора аёлни қўлидаги тош билан уради, бир-икки марта танасига тепиб юборади... Бу билан унинг ҳаёт учун хавфли бўлган оғир тан жароҳати етказади.

Унинг қилмиши жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят судида кўриб чиқилиб, унга 8 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланади. “Амнистия тўғрисида”ги Президентимиз Фармонига асосан тайинланган жазо тўртдан бир қисмига қисқартирилади.

Энди яна уй-жой қурилиши билан боғлиқ низога қайтсак. Буни қарангки, даъво аризани кўриш жараёнида фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлараро судининг алоҳида топшириғига кўра, Андижон шаҳар ер ресурслари хизмати томонидан берилган маълумотномада фуқаро Турсунбой Абдурасулов томонидан 200 квадратметр ер майдони ноқонуний равишда қўшиб олингани ва шу ер майдони ичида Аъзамжон Ёқубовга тегишли бўлган ер майдони 38 квадрат-метрни ташкил этиши кўрсатилган. Бу вилоят техник инвентарлаш кадастр бюроси, шаҳар қурилиш ва архитектура бошқармаси, вилоят давлат архитектура ва қурилиш назорати инспекцияси ходимлари томонидан тузилган далолатномада ҳам ўз тасдиғини топган.

Демак, Аъзамжон Ёқубовга Обод даҳасидаги 1-сонли каттеж уй ҳисобига 600 квадратметр ер майдони ажратиб берилган. Ҳозирги кунда ушбу ер майдони тор кўча ва Турсунбой Абдурасулов ноқонуний эгаллаб олган ҳовлининг бир қисмига тўғри келяпти.

Суднинг қарорига кўра Турсунбой Абдурасулов томонидан ноқонуний эгаллаб олинган 38 квадрат-метр ер майдони Аъзамжон Ёқубов тасарруфига олиб берилди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, қонун барчага баробар. Ким хато қилса, қонун олдида жавоб беради. Ушбу можаролар таҳлили шуни кўрсатиб турибдики, қонун қўшнилар ўртасидаги муносабатларни ҳам тартибга солмоқда.

Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ,
“Инсон ва қонун” мухбири

ТАҲРИРИЯТДАН: ***Мана, икки қўшни ўртасидаги уй-жой қурилиши билан боғлиқ низоларни қонун асосида қандай ҳал этилгани ҳақида икки мақола билан танишдингиз. Эҳтимол, ҳали бу можаролар яна судларда қонуний асосларда қайта-қайта кўрилар ва қонуний ечимларини топар. Биз эса энди қўшниларга инсоф-диёнат ва аҳиллик тилаймиз. Ахир, ўтиб бораётган умрнинг ҳар дами ғанимат... Шундай экан, ўзаро ҳурмат ва яхшиликка не етсин!***

Yangi nashrlar

ЗАРУР ВА ФОЙДАЛИ ДАРСЛИК

Яқинда Адлия ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида “Криминалистика” номли янги дарслик чоп этилди. Криминалистика — жиноятчиликка қарши курашнинг энг олдинги жабҳасидаги фан бўлиб, унинг илмий изланишлари ва ечимлари терговчилар, тезкор-қидирув ходимлари ва суд экспертларига ҳар қандай жиноятни, шу жумладан, ўта мураккаб жиноятларни очиш ҳамда тергов қилишнинг илмий асосланган, тажрибада синовдан ўтган воситалари, усуллари ҳамда услубларини кўрсатиб беради. Жиноий фаолиятнинг турлари ва услублари кўпайган ҳозирги шароитда эса криминалистиканинг аҳамияти янада ошмоқда.



Таъкидлаш ўринлики, суриштирув, тергов ва судни тадқиқ қилинаётган жиноий воқеага доир аниқ, тўғри ва холис маълумотлар билан таъминлаш борасида криминалистиканинг имкониятлари мунтазам кенгайиб бормоқда. Ҳозир мамлакатимизда криминалистика фани юксалиш босқичида. Криминалистлар ўз илмий ишларида кимё, физика, биология, ахборот ва моделлаштириш назарияси ҳамда илм-фаннинг деярли барча соҳаларда эришган замонавий ютуқларидан самарали фойдаланишмоқда. Бундан ташқари, криминалистика фаолиятини компьютерлаштиришга жиддий аҳамият берилмоқда. Илмий ва амалий изланишларнинг мазкур йўналиши жиноятлар тадқиқи борасидаги криминалистик фаолиятни янада такомиллаштиришнинг энг муҳим соҳаларидан бирига айланди. Зеро, компьютерлаштириш — ижодий фоалиятнинг ҳар қандай соҳасидаги илмий тараққиётнинг энг муҳим замонавий воситадир.

Ҳозирда криминалистиканинг ижодий потенциали тобора кенгайиб, у тавсия қиладиган воситалар, усуллар ва услублар хазинаси янада самарадор бўлмоқда. Масалан, жиноятчиларнинг янги турдаги изларини (айниқса, микроскопик изларни) аниқлашга муваффақ бўлинди, анъанавий изларнинг айримларини ўрганиш имконияти кенгайди. Узоқ вақт мобайнида тўпланган тактик усул ва услубларни ЭҲМ хотирасида жамлаш, бу маълумотлардан муайян жиноятларни тергов қилиш амалиётида фойдаланиш ва улар ҳақида бўлажак терговчилар-талабаларга таълим бериш имкони пайдо бўлди. Компьютерлаштириш тергов вақтида олинган жиноятга оид маълумотларни криминалистик фаолият субъектлари бир-бирига маълум қилиш ва ўзаро алмашувини жадаллаштирди.

Ғ.Абдумажидов, Т.Мирзаев ва бошқа таниқли ҳуқуқшунос олимлар томонидан тайёрланган мазкур дарсликда криминалистиканинг илм соҳаси, ўқув фани ва амалиёт дастури сифатида шу кундаги ҳолати ривожланиш тамойиллари кўрсатилиб, жиноятчиликка қарши кураш борасидаги техник, тактик ва услубий имкониятлари очиб берилган. Бир сўз билан айтганда, муаллифлар зарур ва фойдали дарслик яратишган. У криминалистика фани ривожига хизмат қилади.

Qonun dastagi

ШОШИЛИНЧ ҚАРОР

у анча оворагарчиликка сабаб бўлди

(Давоми. Боши учинчи бетда)

Бошқача айтганда, мақсад дорини эмас, табиблик фаолиятини ёритишдан иборат бўлган. Шу ҳолат назарда тутилса, дорининг таърифига оид маълумотлар реклама материалида етарлича баён этилмагани хусусида ҳудудий бошқарма томонидан келтирилган важлар истисно этилади.

Масалани ўрганиш жараёнида табиблик фаолиятининг қонунийлиги ҳам аниқланди. Маълум бўлдики, К.Хушбоқовнинг табиблик фаолиятига Ўзбекистон Халқ табобати Академияси ўзига берилган ҳуқуқ ва ваколатлар доирасида (мазкур Академия жамоат бирлашмаси мақомида 1995 йил 15 январда Адлия вазирлиги рўйхатидан ўтган) расман рухсат берган ва томонлар ўртасида 21-сонли шартнома ҳам имзоланган. Унда табибнинг зиммасига халқ табобати ютуқларини тарғиб-ташвиқ қилишга қарата алоҳида мажбурият юклатилган. Табибнинг номига ёзилган рухсатнома (гувоҳнома)да унинг беморларни яккамаякка ва умумий ҳолда даволаш соҳасидаги ваколати қайд этилган. Академиянинг ушбу рухсатномаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ваколатли маҳкамаси — Тошкент Врачлар малакасини ошириш институтининг 30-сонли маълумотномасига мувофиқ берилган ва К.Хушбоқов ана шу ҳужжатга асосан Академиянинг расмий табиблари рўйхатига киритилган. Бироқ бу ҳолат Соғлиқни Сақлаш вазири муовини Б.Ниёзматовнинг Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи С.Цойга йўллаган хатида бошқача талқин этилади. Яъни К.Хушбоқовга Академия томонидан берилган расмий гувоҳнома лицензия ўрнини босмайди. Шундай экан, К.Хушбоқов табиблик (халқ табобати) билан шуғулланиши мумкин эмас. Қизиқ, мутасаддилар К.Хушбоқовнинг фаолиятини бир томондан тан олса, иккинчи томондан рад этаяпти. Хўш, бу ўринда ким ҳақ? Суд Табобат Академияси ва Врачлар малакасини ошириш институтининг ваколатини эътироф этди. Шу жараёнда реклама берувчи ва уни эфирга узатувчининг хатти-ҳаракатларига ҳам баҳо берилди. Бунда халқ табобатчисига ҳомийлик қилган “Озиқ-овқат савдо” жамияти ва вилоят телерадиокомпанияси ўртасида шу йил 31 январ куни расмийлаштирилган икки томонлама шартнома ҳамда телерадиокомпаниянинг реклама хизматига оид Низоми бандларига суянилди. Шартноманинг 1.2-бандида баён этилишича, тақдим этилган реклама материалининг тўғри, аниқ ва сифатли бўлишини буюртмачи тараф ўз зиммасига олади. Низомнинг 1 “в” банди ҳам реклама материалининг ҳаққонийлиги масаласида жавобгарлик буюртмачининг зиммасига юклатилишини тасдиқлайди. Бинобарин, суд қонун кучига баравар ҳужжат сифатида шартнома ва низомнинг тегишли бандларига суянгани аниқ.

Таъкидланганидек, томонлар ўртасидаги келишмовчилик Олий хўжалик судида ўз ечимини топди. Кассация ҳайъати қарорига мувофиқ вилоят адлия бошқармасининг Хоразм вилояти телевидениеси ва “Озиқ-овқат савдо” масъулияти чекланган жамияти манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган шикояти ҳамда вилоят прокуратурасининг протестини қисман қаноатлантирилди. Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармасининг вилоят телерадиокомпаниясини 1 миллион 88 минг сўм миқдорида жаримага тортиш юзасидан 2004 йил 13 февралдаги 5-сонли ва 19 мартдаги 24-сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб ҳисоблади. “Озиқ-овқат савдо” жамияти мадад ва ҳимоя сўраб, бирон-бир маҳкамага мурожаат қилмагани, ҳудудий бошқарманинг қарорига эътироз билдирмагани ва суд мажлисларига ҳам ўз вакилини юбормагани сабаб жаримага оид қарор эса ўз кучида қолдирилди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, бирор-бир масалани ҳал этишда шошма-шошарликка йўл қўйилса, қимматли вақтнинг зое кетишига ва асабларнинг таранглашишига сабаб бўлади. Баён этилган воқеа ана шу каби жиҳатлари билан эътиборга молиқдир.

Омонбой ОЛЛАЁРОВ,
ҳуқуқшунос
Абдулла СОБИРОВ,
“Инсон ва қонун” мухбири

Хазонрезги

АЖРАЛИШ АЗОБИ

Charxi kajraftor

Дунёда одамлар кўп. Уларнинг қизиқиши ҳам турлича. Айтайлик, кимдир балиқ овига, кимдир сайру-саёҳатга, кимдир пиво ичишга қизиқади. Шу билан бирга шундай одамлар ҳам борки, уларнинг оммавий қизиққан нарсаси кишини ажаблантирмай қолмайди. Масалан, американликлар судлашишга қизиқади. Ҳатто улар судлашишни мамлакатдаги энг оммавий спорт турига қиёслашади.

Яна ҳайратланарли томони шундаки, улар судга ариза билан мурожаат қилишгач, олти, баъзан тўққиз ой навбат келишини сабр-тоқат билан кутишади. Албатта, судлашишнинг ёмон томони йўқ. Ҳар қандай муаммо қонуний ечимини топади, дейишингиз мумкин. Тўғри, бу фикрга биз ҳам қўшиламиз. Аммо таёқнинг икки учи бўлгани каби суд ажримидан сўнг кимдир хурсанд бўлса, кимдир шунинг жабрини тортади.

Бу ҳам табиий ҳол дейсизми?

Ҳа, табиий ҳол. Бироқ Америкада оилавий ажралиш масаласида кўпроқ эркаклар жабр кўради. Чунки ўтган асрнинг бошида қабул қилинган қонунлар оилавий можароларда кўпроқ аёлларга ён босади.

Мисол учун битта суд жараёнини олиб кўрайлик. Эри билан ажралиш пайига тушиб қолган аёл “оқ байроқ”, яъни болаларини етаклаб судьянинг хузурига келади. Демак, аёл жабрдийда, бечора, шунинг учун уни ҳимоя қилиш керак... Шундан келиб чиқиб, судья аёлнинг барча талабларини сўзсиз бажаради.

“Менинг яқин дўстим 13 йил муқаддам хотини билан ажрашган эди, — деб ёзади журналист А.Минчин. — Ўша пайтда у ўзининг саройдек ҳашаматли уйидан ҳатто пайпоғини ҳам олиб чиқиб кета олмади. Чунки судья унга хотини ва икки нафар фарзанди яшайдиган уйига киришни таъқиқлаб қўйди.

Шундан сўнг дўстим жуда оғир аҳволга тушиб қолди. У машина сотиб ололмасди (демак, яшириб қўйган пули бор экан-да), чет элга чиқа олмасди. Қўйинки, дўстим оддий ички кийим сотиб олганини хотини сезиб қолса, дарров судга мурожаат қиларди. Ўз навбатида суд шўрлик эрнинг бўйнига янги-янги жарима қўяди.

Масаланинг яна бир позик томони борки, аёллар одатда судда болаларни рўбарў қилишади. Яъни улар мен ўзимга эмас, болаларнинг ҳақини талаб қилаяпман, деб туриб олишади.

Лекин отадан олинган мол-мулкдан фарзандларига қанчаси тегиши номаълум.

Ана шундай оилавий ажралиш бир бойбадавлат банкирни ҳам хонавайрон қилди. У суддан сўнг уй-жойидан маҳрум бўлди ва ташландиқ ертўлада яшай бошлади. Ҳатто еб-ичишга ҳам пули қолмади. Собиқ хотинининг эса суддан кейинги қилиғи ҳаммасидан ошиб тушди. Эрининг мол-давлатига эга бўлган хотин бир ўзини кўрсатиб қўйгиси келди шекилли, ўзига ёшгина жазман топиб олди...

Энди ўзингиз тасаввур қилиб кўринг: мол-мулкидан ажралиб, кўчада қолган эр бу жазони кўтара оладими?

Оилавий можаронинг бундай кескинлашиб кетиши айрим фожеаларни ҳам келтириб чиқарган. Мисол учун ана шундай азоб-уқубатларга гирифтор этилган бир киши охир-оқибат судда хотинининг пешонасидан отиб ташлаган. Шундан сўнг эҳтиёт чораси сифатида суд биносига киришда махсус текшириш асбоби қўйишди-ю, бундай фожеалар барҳам топди.

Албатта, йиллар ўтиши билан ҳар қандай ўтли муҳаббатдан ҳам моддий манфаатдорлик, эртанги кун қайғуси устунроқ чиқади. Бошқача айтганда, эркаклар ҳам ақллироқ бўлиб қолди.

Бундай дейишимиз бежиз эмас. Чунки бугунги кунда Америкада 90 фоиз никоҳ шартнома асосида юзага келмоқда. Бунинг устига шартномада хотиннинг мулки қанча, эрнинг мулки қанча эканини аниқ-тиниқ ўз ифодасини топади. Шундан келиб чиқиб эр хотиннинг, хотин эрининг мулкига дахл қилмайди. Энг муҳими, ҳеч қандай талашиб-тортишишга ўрин қолмайди.

Бу бир томондан яхши. Эртанги кун рўй бериши кутилган кўпгина кўнгилсизликларнинг олдини олади.

Лекин оила ахлоқи қаерда қолади? Бу савол ҳозирча ҳеч кимни қизиқтираётгани йўқ.

Алишер БОБОМУРОДОВ тайёрлади.

Taqdir tarixi

Буюк истеъдод соҳибларининг тириклиги ҳам, ўлими ҳам ҳамиша адоғи йўқ шов-шувлар қуршовида бўлади. Масалан, австриялик тенгсиз композитор Моцартнинг оламдан ўтганига икки юз йилдан ошган бўлса-да, унинг ўлими билан боғлиқ мишмишлар, текширувлар ва турлича хулосалар ҳозир ҳам тўхтагани йўқ. Юзлаб тарихшунослар, мусиқашунослар, ҳуқуқшунослар, криминалист ва шифокорларнинг тинимсиз текширув олиб бораётгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

УМРБОҚИЙЛИК СИРИ

Моцартнинг ўлими сўнгги юз йил ичида юз хилдан кўпроқ тахмин билан боғланди. Албатта, бу борада “Моцарт ўз замонасининг яна бир машҳур композитори, рақиби Антонио Сальери томонидан заҳарлаб ўлдирилган” деган тахмин текширувчиларнинг хулосаларини турли натижаларга келтириб тақади. Натижаларки, бундан фойдаланган кўпгина ижодкорлар турли асарлар ёзишга киришишди. Пушкиннинг “Моцарт ва Сальери” трагедияси, Девид Вайснинг “Моцартнинг ўлдирилиши” асарлари шулар жумласидандир. Энг машҳур режиссёрлар томонидан суратга олинган “Аладей” фильми ҳам Моцартнинг ўлимида бевосита Сальерининг қўли борлиги ҳақида ҳикоя қилади. Иккала мусиқашунос сира бир-бири билан келишолмаганининг оқибати Сальерининг Моцартни заҳарлаб ўлдиргани билан якунланганини такрорлайди. Ҳатто 1982 йил Зольцбург шаҳрида “Аква Тоффана” спектакли намойиш этилиб унинг воқеалари замирида Моцартнинг Сальери томонидан заҳарланиши билан боғлиқ суд иши намойиш этилади. Бироқ бу тўғридаги барча текширув хулосалари ҳамда яратилган асарларда камдан-кам ҳолатлардагина ишончли асосларга таянилган. Бундай бўрттирма асарларнинг кўпайиб кетишини тўхтатиш мақсадида ҳамда ўша асарлардаги воқеаларни инобатга олган ҳолда 1997 йил Италиянинг Милан шаҳрида Сальери ва Моцартнинг заҳарланиш юзасидан суд бўлиб ўтади ва унинг барча қатнашчилари Моцартнинг ўлимида Сальерининг айби йўқ деган тўхтамга келади.

Бироқ суднинг хулосаси бир томонда қолиб кўпчилик барибир Сальерини қотил сифатида айблашда давом этаверди. Бунинг сабаби шундан иборатки, буюк композиторнинг ўлимидан сўнг кўп ўтмай Антонио Сальери “Албатта, Моцарт сингари композиторнинг оламдан ўтгани катта йўқотишдир. Аммо унинг ўлими биз учун яхши бўлди. Негаки, Моцарт тирик бўлганда бизнинг нонимиз ҳамиша яримталигича қолаверар эди”, деган эди. Орадан кўп йиллар ўтгач, яна бир тарихшунос олим Гвид Адлер Италиядаги катта архивни титиб кўрар экан, Антонио Сальери қариб, бир оёғи гўрнинг ёқасига бориб қолган бир пайтда Моцартнинг заҳарлаганини ким олганлиги тўғрисида маълумот топиб олади. Ва бу тўғрида йиллар давомида ҳеч кимга оғиз очмайди.

Немис шифокорлари бўлмиш Карнер билан Дуда Моцартнинг ўлими хусусидаги барча маълумотларни йиғиб, унинг ҳақиқатдан ҳам, “сулемо” деб номланган модда билан заҳарланганини исботлашди. Бироқ яна шуни таъкидлашдики, агар инсон танаси “сулемо” билан заҳарланса, у 5-10 кунда вафот этади. Лекин Моцарт заҳарланган, дея тахмин қилингандан кейин ҳам касал ҳолда анча яшаган.

Карнер билан Дуданинг сўнгги хулосаларига кўра, Моцартни айнан Сальери эмас, балки бошқа бир киши заҳарлаган. Унинг кимлигини ҳатто Моцартнинг ўзи ҳам билмайди. Профессор Лехтенштейннинг фикрича, буюк композитор мияси, юраги ва жигарига инфекция тушиши натижасида ҳалок бўлган. Лехтенштейннинг фикрини автриялик профессор ва мусиқашунос Антон Неумаер ҳам қўллаб-қувватлайди ҳамда Моцартнинг ўлимига туғма ангина касаллиги сабаб бўлганини илгари суради.

1983 йили англиялик Фрэнсис Карр ўзига хос текширув ўтказади. Унда дунёнинг турли мамлакатларидан юристлар, журналистлар, мусиқашунослар ва адвокатлар иштирок этишади. Барча иштирокчиларнинг йигирма саккиз фоизи ҳақиқатдан ҳам, Моцартни Сальери заҳарлаган, деган умумий фикрга келишади. Ўттиз тўққиз фоизи эса буюк композиторни ўз шогирди Зюсмайр заҳарлаганини айтади. Олтмиш фоиз қатнашчилар эса Хофдемель деган шахс Моцартни қасддан заҳарлаган, дея муносабат билдиришади. Қотиллар сафига йўқ жойдан Хофдемелнинг киритилганига эса унинг гўзал турмуш ўртоғи Магдалена билан Моцартнинг ўзаро устоз-шогирдлик масаласи сабаб бўлади. Манбаларда таъкидланишича, Моцарт Магдаленани ёқтириб қолган. Иккаласи ҳамкорликда ишқ-муҳаббатга доир оламшумул симфониялар яратишган.

Хофдемель ўша даврнинг бойбадавлат шахсларидан бири бўлган. Магдалена ва Моцарт учаласи тез-тез бирга тушлик қилиб туришган. Рашкдор эр ҳар тушлик пайтида Моцартнинг қадахига оз-оздан заҳар қўшиб турган, деган тахминлар ҳам йўқ эмас.

Яна шундай ишончли факт ва далиллар ҳам борки, Моцарт билан Хофдемельнинг муносабати ёмон бўлмаган. Ҳатто Моцарт ундан вақти-вақти билан қарз олиб турган. XX асрга келиб эса австриялик драматург Франц Грильпорцер йирик тарихий асар ёзади. Ушбу асарида у Моцарт фақат Хофдемель томонидан заҳарланган, деган қатъий қарорга келади ва шундай дейди: “Хофдемель давлат идорасида ишлар эди. Хотини Магдаленани Моцартдан рашк қилган ҳамда қандай бўлмасин Моцартни ўлдириш пайида бўлган. Ушбу мақсадига етгач, маҳаллий полиция унинг жиноятини яшириш учун Моцартнинг мурдасини ҳеч ким билмайдиган ва излаб тополмайдиган жойга дафн қилишни буюрган”.

Аслида бу гапда ҳам жон бор. Негаки, Моцартнинг рафиқаси 16 йил давомида эрининг қабри қаерда эканини билмаган. Моцарт ким томонидан ва қачон ўлдирилганидан қатъи назар, ҳеч ким бу борада тўғри ва аниқ хулосага келгани йўқ. Эҳтимол, уни хотини ҳам заҳарлаган бўлиши мумкин. Бундай дейишимизга, албатта, Моцартни машҳурлиги, аёлларга нисбатан бепарво эмаслиги ҳам етарли сабаб бўла олади. Қотиллар рўйхатида эса шогирд ва дўст-мусиқашунос Зюсмайр ҳам борми, демак, яна бир тахмин вужудга келади. Зюсмайр ҳам то ҳаётининг охирига қадар устозининг ўлими ҳақида ҳеч кимга “лом-лим” демаган.

Умуман, буюк санъаткорнинг ўлими ҳақида турли-туман тахминлар билдирилган. Бу эса унинг дурдона асарлари туфайли инсонлар қалбида абадий яшаётганидан далолатдир.

Хорижий матбуот материаллари асосида Нормурод МУСОМОВ тайёрлади.

Qilmish-qidirmish

ТУНДАГИ ФОЖИА

СУД ОЧЕРКИ

(Давоми. Боши учинчи бетда)

— Ким бўлсангиз ҳам бу ердан кетинг. Мен сиз ўйлаган аёллардан эмасман, — деди у қатъият билан.

Режаси, ширин хаёллари амалга ошмаганидан Акобирнинг кайфияти ёмон бузилди. У алам ва ғазабдан тишларини ғижирлатиб бир неча дақиқа турди-да, сўнг пастга тушди.

Ҳамма гапни эшитиб турган Рашид Акобирни хижолатдан, ўнғайсизликдан қутқариш ўринди.

Кайфчилик қурсин, бошқа пайт бўлганда Акобир Рашиднинг гапига кириб индамай йўлига равона бўлиши, шу билан ҳаёт яна ўз маромида давом этар, Акобир ўз юмушлари билан, Сурайё ўз ташвишлари билан андармон бўлиб, ўтган кичкинагина жанжални унутиб юборишлари аниқ эди. Лекин Акобирнинг ароқни бўкиб ичганлиги устига Сурайёдан кутилмаганда дашном эшитгани қўшилиб қонини қиздирар, рўй бериб ўтган воқеага Сурайё эмас, асосан ўзи айбдор эканини тан олмас, қандай бўлмасин ундан ўч олиб, аламидан чиқишни ўйлар эди. У атрофга аланглаб, уй томига қараб темир қувур ўтказилганини, у шундоққина Сурайёнинг деразаси ёнгинасидан ўтганини кўрдию, бир силтаниб Рашиднинг қўлидан чиқиб, темир қувурга тирмашди.

— Шошма! Мен ҳозир бу оппоқойимга кўрсатиб қўяман, — деди у ва темир қувурга осилганча юқорига кўтарилди. Кўп ўтмай Сурайёнинг деразаси рафига оёқ қўйди ва ичкарига сакради.

Рашид Акобирнинг ичиб олгандан сўнг жанжални пулга сотиб олишини яхши биларди. Акобирни бу йўлдан қайтаришга тўғри бир-икки уринди, лекин афсуски, кейин қани нима билан тугаркин, дегандай воқеаларнинг лоқайд кузатувчисига айланди. Сурайё бемаҳалда келган “чақирилмаган меҳмон”нинг кетганлигига ишонч ҳосил қилгач, болаларининг ёнига кириб ухламоқчи эди, ошхона томонда шарпа товушини эшитиб, ўша ёққа юрди. Ошхона деразаси ёнида ҳарсиллаб нафас олиб турган бегона одамни — Акобирни кўриб, беихтиёр бақириб юборди.

— Барибир қўлимга тушдингми? —

— Парво қилма, ҳеч нарса бўлмайди, — дея қўл силтади Акобир.

Сурайёнинг қаттиқ хўрлиги келди. «Нима, мен одам эмасманми, истаган пайтида уйимга бостириб кириб, оёқости қилишади, эшикдан ҳайдасам, деразадан ошиб тушишади. Уларнинг мушугини «пишт» дейдиган одам йўқми бу дунёда», деб ўйларди алам ўтида ўртанган Сурайё. “Милицияга ариза бераман, бўлмаса, мени тинч қўйишмайди”, деган қатъий қарорга келган Сурайё кўчага отилди. У жаҳл устида вақт алламаҳал бўлиб қолганини, ҳозиргина унинг Акобир қўлларини мушт қилиб Сурайёнинг устига бостириб кела бошлади.

Сурайё бақирганча ахлат тўла челакни Акобирга қараб отди. Акобир Сурайёнинг дуч келган жойига мушт туширар, тепкилар эди. Сурайё эса ҳам қўрқув, ҳам оғриқдан бақириб йиғлар, йиғи товушидан уйғониб кетган болалари ҳам ошхонага кириб, унга қўшилиб дод-фарёд қилишга тушди.

Тўс-тўполон, қий-чув кўтарилганлигидан ўзига келган Акобир қўшилар ёрдамга келиши мумкинлигини ўйлаб шоша-пиша келган йўлидан пастга тушиб кетди.

— Қилган ишингни қара-ю, бутун маҳаллани оёққа турғаздинг, — деди Рашид норозилик билан.

— Сурайё милицияхонага кетаяпти, агар уни бу йўлдан қайтармасам, ишимизнинг охири вой бўлади, — деди Акобир Рашидга, — сен уйингга кетавер, уни ўзим бир амаллаб ниятидан қайтараман...

Рашид ўзи кетмасдан Акобирни ҳам ўзи билан бирга олиб кетиши керак эди. Олиб кетганда бўлиб ўтган жанжал барибир тинчир эди. Чунки эртасига Сурайё ҳам жаҳлидан тушиши, Акобирни кечириши мумкин эди. Ҳозир эса ўзини хўрлаган, қадр-қиматини ерга урган одамни бир қалам ўт бўлиб ёнаётган Сурайёнинг кечириши, гуноҳидан ўтиши амри маҳол эди.

Афсуски, Рашид Акобирнинг кет, деган амрини қулоқ қоқмай бажарди ва иккаласини, бир-бирига нисбатан нафрати тўлиб тошиб турган Сурайё билан Акобирни қоронғи тунда яккаёлғиз қолдириб кетди.

Акобир Сурайёдан ялиниб-ёлвориб кечирим сўради, милицияхонага борма, деб ўтинди. Сурайё, табиийки, кўнмади.

Шундан сўнг Акобирнинг ғазаби қўзғаб бор кучи билан Сурайёга мушт туширди. Сурайё нафас ололмай шилқ этиб йиқилди.

Акобир ўзининг жиноий қилмишини яшириш ва жазодан қутулиб қолиш мақсадида Сурайёни ўлдиришга аҳд қилди ва кўчанинг қоронғулигидан фойдаланиб, уни киноклубга олиб кириб ўта шафқатсизлик билан қийнаб ўлдирди. Сўнг унинг тўрт дона тилла тишини, бир жуфт зирагини, пальтосининг чўнтагидаги икки минг сўм пулини олди. Кейин эса унинг мурдасини ахлатхонага олиб бориб кўмиб ташлади.

Акобир жиноятнинг изини йўқ қилишга, қидирув ва тергов идорасини чалғитишга кўп уринди. Лекин унинг экин майдонига кўмиб қўйилган Сурайёнинг пальтоси, тўрт дона тилла тиши, ҳожатхона девори орасидан эса бир жуфт зираги топилганидан сўнг айбига иқрор бўлишдан бошқа иложи қолмади.

Суд Акобирнинг қилмишига яраша жазо тайинлади.

Бу фожиани баён этишдан мақсад шуки, ҳаётда ҳар бир инсон ўзига, ўзгаларга нисбатан масъулиятни унутса, худбинлик, баднафслик кўзини кўр қилиб қўйса, ана шундай фожиалар келиб чиқаверади. Акобир Сурайёнинг умрига зомин бўлиши билан бирга икки норасида гўдакни она меҳридан маҳрум этди, уларнинг юрагида ўчмас жароҳат қолдирди.

Унинг ўзи-чи?.. Ота-онаси фарзанди қўл урган иснод учун қандай бош кўтариб юради?!

Ўткинчи ҳаётда киши ўзининг ва ўзгаларнинг ҳаётини қадрлаб яшаши ҳам умр мазмунини ташкил этади.

Шохруҳ АКБАРОВ,
журналист

Адлия вазирлиги жамоаси Хоразм вилоят адлия бошқармаси фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимининг бошлиғи Шоҳида Султонмурадовага онаси *Нура ая СУЛТОНМУРАДОВАнинг* вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади
2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган
Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Бўритош МУСТАФОЕВ, Пўлат САМАТОВ, Хуршид СОДИҚОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Ғафур АБДУМАЖИДОВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Ислом ҲАМРО, Холли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.
Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ
Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ
Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-117. Тиражи — 7.000. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30
МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50
2 3 4 5